Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 144 (20. 711) • 1990 йил 26 июнь, сешанба • Баҳоси 3 тийин.

КИТОБЧА ҚИЛИБ ЧИҚАРИЛДИ

М. С. Горбачев 1990 йил 19 июнь куни Россия партия конференциясида қилган «Россия ва бутун мамлакатнинг тақдири учун масъулият билан» доклади Сиёсий нашриёт томонидан алоҳида китобча қилиб чиқарилди.

* * *

«Бутун куч-ғайрат қайта қуришга қаратилсин. Ишчилар синфи, деҳқонлар, инженер-техник ходимлар намояндаларининг 1990 йил 18-19 январдаги Бутуниттифоқ кенгаши» тўплами босилиб чиқди.

Тўпламга М. С. Горбачевнинг кириш нутқи ва якунловчи нутқи, Бутуниттифоқ кенгашининг бошқа ҳужжатлари киритилган. Кенгаш қатнашчилари нутқларининг, шунингдек кенгаш ҳайъатига топширилган нутқлар матнларининг баёни эълон қилинган.

Китобчани Сиёсий адабиёт нашриёти чиқарди.

(ТАСС).

РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди тўғрисида АХБОРОТ

1990 йил 23 июнь куни Москвада; Кремлнинг Съездлар саройида РСФСР Коммунистик партиясининг таъсис съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки мажлис КПСС Марказий Комитетининг котиби, КПСС Марказий Комитети Россия Бюросининг аъзоси Ю. А. Манаенков раислигида бошланди.

Ҳисоб комиссиясининг ранси такрорий овоз бериш натижаларини эълон қилди. И. К. Полозков РСФСР Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи котиби этиб сайланди. Делегатлар ҳисоб комиссиясининг протоколини тасдиқладилар.

Сўнгра И. К. Полозков съезд қатнашчилари ҳузурида қисқа нутқ сўзлади. Шундан кейин мажлис унинг раислигида ўтди.

Съезд РСФСР Компартиясининг раҳбар органларини тузиш қоидалари ва тартибини кўриб чиқишга киришди.

Танаффусдан кейин делегатлар КПСС XXVIII съездининг Дастурий баёноти ва КПСС Устави лойиҳалари юзасидан. «Ҳозирги пайт ва РСФСР Коммунистик партиясининг биринчи галдаги вазифалари» тўғрисидаги қарорларни, «Россия коммунистларига, халқларига Мурожаатнома»ни, шунингдек «РСФСР Компартияси таъсис съезди Россия федерацияси оммавий ахборот воситаларига муносабати тўғрисида»ги қарорни муҳокама қилиб, қабул этдилар.

Партия Марказий Комитети таркибига номзодлар кўрсатиш пайтида қизғин мунозара бошланиб кетди. Сўнгра овоз берилди.

Съездда М. С. Горбачев кўпдан-кўп саволларга батафсил жавоб қайтарди.

Ҳисоб комиссиясининг маърузасидан кейин съезд РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг сайланган таркибини тасдиқлади.

Делегатлар РСФСР Компартияси назорат комиссиясининг Раисини съезд ишининг иккинчи босқичида сайлашга қарор қилдилар.

Мажлис охирида РСФСР Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби И. К. Полозков РСФСР Коммунистик партияси таъсис съезди ишининг биринчи босқичи тугаганини эълон қилди.

ИҚТИСОДИЙ МУСТАҚИЛЛИКНИНГ БАРҚАРОР ИМКОНИЯТИ

Хом ашё етиштирган ўлка тайёр маҳсулотини манзур қилишга ҳам қодир

Тўкис рўзғор тебратиш, ёлчиб еб-ичиш — ҳар кимнинг орзуси. Лекин қуруқ орзу билан киши бадавлат бўлиб қолмайди. Орзуга эришиш учун интилиш керак. Ишбилармонлар мақсадга эртароқ муяссар бўладиларки, бунинг сири аввало уларнинг аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритишларидир.

Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди жумҳурият аҳолиси моддий фаровонлигини таъмин этишнинг оқилона йўлларини кўрсатиб берди. Ўлкадаги мавжуд ресурслардан ишнинг кўзини билиб фойдаланиш мақсадга тезроқ эришишнинг энг яқин йўлидир. «Халқимизни муносиб даражага кўтариш учун... жуда катта ресурслар ва бойликлардан қай тарика фойдаланиш керак! — дейилади съезддаги Сиёсий маърузада ва жавоби ҳам тайин айтилди. — Ўзбекистон Компартияси бу асосий муаммони ҳал этишнинг бош йўли—халқ хўжалиги структурасини тубдан ўзгартиришдир, деб ҳисоблайди. Хом ашё ресурсларини асосан жумҳурият ҳудудида қайта ишлашга эришмоқ керак».

Бу вазифани сиёсий эркинлик ва иқтисодий мустақиллик негизидагина ҳал этиш мумкин. Шунинг учун ҳам съезд Ўзбекистондаги барча хом ашё ва қайта ишлаш тармоқлари жумҳурият ихтиёрига ўтказилиши лозим, — деб таъкидлади.

Шу вақтгача бутун мамлакатда бўлгани каби жумҳуриятимизда ҳам ҳукм сурган тартибқонда, шароит халқ бахт-садоати, фаровонлиги йўлида олға томон дадил қадам босишга имкон бермади. Марказлаштирилган органларнинг, маҳкамачилик тарзидаги ёндашуви халқ хўжалигининг айрим тармоқлари бир томонлама ривожлантирилишига, асосан хом ашё етиштириш учун зўр берилишга, ишлаб чиқарувчи кучларни ривожлантириш ва жойлаштиришдаги катта номутаносибликларга, ижтимоий соҳанинг орқада қолишига сабаб бўлди. Айниқса, пахта якка зироатчилиги деҳқонлар аҳволини оғирлаштирди. Оғир саноат, машинасозлик, кончилик тармоқларидан жумҳурият аҳолиси жуда оз манфаат кўрди. Бундай маҳсулотлар ўлкадан ташқарига ташиб кетиш учун тайёрланди.

Айни пайтда иқтисодиёт соҳасидаги аҳвол қандай! Асосан Иттифоқ идораларининг тақсимлашига кўра, жумҳуриятда етиштирилаётган пахта толасининг 87,5 фоизи, қоракўл терининг 88,5 фоизи, табиий жунининг 70,5 фоизи, синтетик толанинг 92,9 фоизи, пилла ва бошқа хом ашёнинг 11,6 фоизи мамлакатнинг бошқа минтақаларига ва четга чиқарилмоқда. Ваҳоланки, жумҳурият саноатининг эҳтиёжлари кўпинча таъминланмаётган бўлсада, шундай қилинянти. Аёнки, пахта, ипак, қоракўл ва бошқа хом ашё турлари ҳамда тайёр маҳсулотлар жаҳон бозорида ғоят харидоргир ҳисобланади.

Қайта қуриш эпкини ўзлигимизни англашга имкон бермоқда. Иқтисодий мустақиллик сари дадил тадбирлар кўрила бошлангани жумҳурият аҳолисига манзур бўлмоқда. «Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузурида хом ашё ва енгил саноат маҳсулотлари таъминоти ҳамда уларни сотиш бош бошқармаси «Узглавлегснабсбит»ни ташкил этиш тўғрисида», «Ўзбекистон ССР Ташқи савдо ва хорижий мамлакатлар билан алоқа давлат комитетини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонлар иқтисоднётки соғломлаштириш борасида муборак қадам бўлажагидан умидвормиз. Бу ҳужжатлар Ўзбекистон ССРнинг давлат мустақиллиги ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга, жумҳуриятнинг хорижий мамлакатлар билан иқтисодий, савдо-сотиқ, илмий-техникавий ва маданий алоқаларини янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Кўрилган бу тадбир жумҳуриятнинг хорижга маҳсулот чиқариб сотиш бўйича мамлакатда етакчи ўринлардан бирини эгаллаши, иқтисодий аҳволни бошқарувни такомиллаштириш истиқболларини очиб беради.

Истиқболни белгилашда тадбиркор бўлишни ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бозорнинг раъйини инобатга олиш керак. Мавжуд ресурсларимиз ва бойликларимиздан оқилона фойдаланиш долзарб вазифа бўлиб, уни хомхатала ишлатиш, сотиш самара бермайди. Шу чоққача хом ашё ўлкаси бўлдик, маҳсулотларимизни мукаммал қайта ишламай хом ашё тарзида чиқараверишимиз жабрини тортдик. Жумҳурият раҳбарияти аҳволни чуқур таҳлил этиб, Ўзбекистон Компартияси XXII съездида ўз дастурини очиқ айтди. Кўп йиллар мобайнида хом ашё етиштирган жумҳурият тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ойдин йўлига ўтиб олиши керак.

Тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш йўли қанчалик мураккаб бўлмасин, унга амал қилмасликка иложимиз йўқ. «Оқ олтин»имизни арзон баҳода сотишдан валютага алмаштириш фойдали эканини ҳамма ҳам яхши билади. Ана шунинг ҳам диққатга сазоворки, халқимиз қадим-қадимдан миришкор, ҳунарманд бўлган. Меҳнатдан бўйин товламаган. Хом ашёдан турмушбоп, харидоргир буюмлар, тайёр маҳсулотлар ясаб келган истеъдодли халқ. Саноатнинг замонавий тармоқларидаги меҳнатга халқимиз қодир эмаслиги ҳақидаги, шу сабаб кўп кишилар ишсиз юргани ҳақидаги сафсаталар бекор гап.

Меҳнаткашлик, истеъдод эгаси бўлиш — ризқи бутунлик аломати. Шундай экан, ресурсларимизу бойликларимиздан расамади билан, ишнинг кўзини билиб, халқ манфаатини кўзлаб фойдаланишимиз керак. Съездда айтилганидек, Ўзбекистон ресурслари ва имкониятларига баҳс беришга мутлақо янгича ёндашмоғимиз зарур. Имкониятимизни унинг Иттифоқ ва жаҳон бозори учун қанчалик жозибали эканлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш керак. Ер ости бойликларимиз бисёрлиги ҳам бахтимиз. Ҳали жуда кўп йиллар мобайнида газ конденсати, кўмирга бўлган эҳтиёжимизни тўла таъминлай оламиз. Янгидан очилган нефть конлари яқин вақт ичидаёқ нефть қазиб олишни 3—4 баравар кўпайтириш имконини беради. Қизилқумда топилган катта фосфорит конлари ўзлаштирилиши керак. Ниҳоят, ўлкамизда рангли ва қимматбаҳо металларнинг жуда катта ресурсларига эгамиз.

Ана шуларни, қишлоқ хўжалиги ва саноат хом ашёсини, тайёр маҳсулотларнинг неча ўнлаб турларини жаҳон бозорида чекланмаган миқдорда сотиш имконияти бор. Шу имконият жумҳурият иқтисодий қудратини ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз. Ўзимизда қазиб олинадиган рангли металлар, нитрон, капролактам, бинокорлик материаллари кабилардан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш вақти келди.

Энг муҳими, биринчи галда амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларни аниқлаб олишдан иборат, дейилди съездда. Ишлаб чиқариш имкониятини, керакли моллар тайёрлаб чиқаришни тез кўпайтириб бориш, аҳолини иш билан таъминлаш — долзарб вазифа. Бунга эришиш учун кичик корхоналар, филиаллар ва цехларни ривожлантириб, уларни ишчи кучи ортиқча бўлган районларга жойлаштириш йўлини топиш зарур. Шундай қилинса, икки вазифа — тайёрланадиган маҳсулотни тезда ўзлаштириш, бозор талабига тезроқ мослашиб олиш ва кўпайиб бораётган меҳнат ресурсларини иш билан таъминлаш бир йўла ҳал этилишига эришилади.

Жумҳуриятдаги район марказлари, кичик шаҳарлар ва посёлкаларда кўп тармоқли саноат комбинатлари қуриш бадиий ҳамда халқ ҳунармандчилиги сингари унутилаёзган тармоқларни қайта тиклашга мадад беради. Шунингдек, бундай тадбир аҳоли учун зарур моллар, маҳаллий бинокорлик материаллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш истиқболларини ҳам очади. Ҳукуматимизнинг аниқ режаларига биноан бир ярим йил ичида 150 та ана шундай кўп тармоқли комбинатлар барпо этилади. Улар йилига 120—130 миллион сўмликдан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарадиган бўлади.

Қарамликдан ёмони йўқ. Тайёр кийим-кечакнинг тўртдан бир қисмини четдан оляпмиз. Трикотаж буюмлари ва ип газламанинг 30 фоизи ташиб келтирилади. Пойабзалнинг қарийб ярмининг ўзимизда тайёрлаб, ярмини бошқа жойдан оляпмиз. Болалар колготкаси ва кийимлари ҳақида-ку гапирмай қўя қолайлик. Бу қанақаси! Хом ашёмиз йўқми! Бор! Тайёрлаш қўлимиздан келадику! Жумҳуриятнинг халқ истеъмоли молларига бўлган бундай қарамлигини тугатиш имкони бор. Бунинг учун енгил ва маҳаллий саноатни ривожлантиришнинг ташиб келиш ҳамда четга чиқариш балансларини тартибга солувчи дастури ишлаб чиқилиши керак.

Баъзи бировлар саноат структурасини қайта қуришда оғир саноатнинг нуфузи пасайиб кетяпти, деб ноўрин хавотирга тушишяпти. Хавотирланишга асос йўқ. Жумҳурият партия ва ҳукумати замонавий фан-техника тараққиёти ютуқларини эгаллаш, ишлаб чиқаришнинг фан ютуқлари ва меҳнат кўп сарф бўладиган етакчи тармоқлари тараққиётини назар-эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Ҳатто бу соҳада кескин бурилиш ясаш тарафдори. Ишлаб турган машинасозлик, радиоэлектроника, ускунасозлик корхоналари жиҳозларини янгилаш, замонавий шундай корхоналар барпо этиш, уларда тайёрланаётган маҳсулотларни такомиллаштириш кўзда тутилмоқда. Жумҳуриятда бунинг учун барча шароитлар етарли. Хом ашё бор. Илмий-техникавий ва лойиҳа-конструкторлик базамиз мавжуд. Фан-техника тараққиёти жаҳасида олдинги марраларни эгаллаб бориш — катта ниятимиз. Бусиз истиқбол режаларимиз рўёбга чиқмайди. Ахир, жумҳурият шу асосдагина бошқа минтақалар ва чет эл давлатлари билан тенг ҳуқуқли шериклар сифатида алоқалар боғлашни мўлжаллаб турибди.

Сир эмас, хом ашё сотишдан катта зиён кўряпмиз. Арзонга сотилиши устига бир қисми йўлда тўкилиб нобуд бўляпти, бир қисми эса ириб-чириб чиқитга чиқмоқда. Бу ўзига хос хўжасизлик, исрофгарчиликка олиб келяпти. Қайта ишлаш корхоналари тармоғини кенгайтиришимиз, технологияни такомиллаштиришимиз зарур. Бунда ўйлаб иш тутиш тақозо этилади. Яқин вақтда юз берган хатолардан тўғри сабоқ чиқариб олиш керак. Бир неча йилгина бурун 18 та технология линияснни масъулиятсизларча харид қилдик. Улар узум, мева ва сабзавотни қуритиш учун хориждан катта маблағ эвазига сотиб олинган эди. 500 минг тоннадан зиёд хом ашёни қайта ишлашга мўлжалланган бу линияларни мутлақо текшириб кўрмасдан, синамасдан сотиб олиндик. Оқибатда шу технология линиялари мева-чевани қуритишга яроқсиз эканн маълум бўлди. Миллион-миллион валюта совриліб кетди. Бундай хатолар такрорланмаслиги лозим.

Ҳамма нарсани кадрлар ҳал қилишини ҳам унутмаслик керак. Бу соҳада дастлабки тадбирлар кўрила бошланди. Лекин малакали ишчи кадрлар тайёрлаш соҳасида туб бурилиш қилмасдан туриб белгиланаётган улкан режаларни рўёбга чиқариш қийинлиги ҳам эътиборда бўлиши керак.

Шубҳа йўқки, иқтисодий мустақиллик қарор топади, унинг имкониятлари жумҳурият аҳолиси моддий турмушини яхшилашга самарали таъсир кўрсатади. Шу чоққача асосан хом ашё етиштирган ўлка ўз тайёр маҳсулотларидан ҳам баҳраманд бўлади. Ўзи баҳраманд бўлибгина қолмай, жаҳон бозорида, мамлакатимиз ички бозорида ҳам манзур қилиб сотиладиган бўлади.

Биз халқларимиз ўртасидаги иқтисодий алоқаларни, ҳамжиҳатликни, дўстликни чуқурлаштириш — энг аввало Бутуниттифоқимизни мустаҳкамлашга кўмаклашади, деб ҳисоблаймиз.

Жумҳуриятларимизнинг халқлари совет кишилари турмушини яхшилаш мақсадида барча соғлом кучларни уюштириш негизида мамлакатимиздаги ва ҳар бир минтақадаги барқарорликни мустаҳкамлашга бўлган умидларини КПССнинг бўлажак XXVIII съезди билан боғламоқдалар.

(Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарлари Баёнотидан).

Дўстлик ва қўшничилик манфаатларини кўзлаб

● ЖУМҲУРИЯТИМИЗ МЕҲНАТКАШЛАРИ ЎРТА ОСИЁ ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ВА ҚОЗОҒИСТОН РАҲБАРЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ НАТИЖАЛАРИНИ ҚИЗҒИН МАЪҚУЛЛАМОҚДАЛАР. МАЗКУР УЧРАШУВ ВАҚТИДА ИМЗОЛАНГАН МУРОЖААТНОМА, БАЁНОТ ВА БИТИМ МАТНЛАРИНИ ЗЎР ҚИЗИҚИШ БИЛАН ЎРГАНИБ ЧИҚМОҚДАЛАР.

ЁН ҚЎШНИНГ—ЖОН ҚЎШНИНГ

Водил қишлоғида отахонлар жуда кўп. Улар аҳил ва иноқ яшашади. Ишларни бамаслаҳат амалга оширишади.

Расулжон Ҳақназаров қишлоқнинг баобрў оқсоқолларидан бири. У партия ва совет органларида кўп йил самаралн ишлади. Икки бор Ленин ордени билан мукофотланди. Ҳозир қарилик гаштини сурянти. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг Олмаотадаги учрашуви ҳақида тўлқинланиб шундай дейди:

— Давр синовидан ўтган халқнинг бебаҳо дурдоналари орасида эзгулик, донишмандлик, меҳр-муҳаббат мукаддас бойлик сифатида тилга олинади. Дарҳақиқат, меҳр-муҳаббат бор жойда қардошлик ришталари узилмас бўлади. Кишилар бир-бирига қанчалик яқин бўлса, уларнинг дўстлиги олмос қирраларидек товланиб турaверади. Анъаналар ва урф-одатлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман халқлари азалдан ёнма-ён яшаб келмоқдалар. Юмушлари ҳам бир хил: асосан деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланишади. Халқларимизнинг ижодкорлари дўстлигимизни ҳамиша куйлашган. Бугунги кунда ҳам умумий хонадон ибораси тез-тез такрорланяпти. Бу хонадонда аҳиллик билан яшаш, қардошликни мустаҳкамлаш олға томон силжиш, демакдир. Ҳамқишлоқларим қаторн Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви натижаларини тўла маъқуллайман. Бу чинакамига дўстлигимизнинг ёрқин намунасидир. Қўшни республикаларда тез-тез бўлиб тураман. Яқинда Ўш вилояти Фрунзе районидаги Пулгон қишлоғи аҳолиси ҳузурида бўлдим. Дўстлар билан дийдор кўришдим. Ўзбек ва қирғиз халқлари ўртасидаги дўстликка раҳна солувчи ғиғвогарлик ҳаракатларнни қаттиқ қораладик, азалий дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга аҳд қилдик.

Штатсиз суратқаш Т. ҲАМРОҚУЛОВ олган бу суратда меҳнат ветерани Р. Ҳақназаровни қирғиз дўстлари даврасида кўриб турибсиз.

ЭЗГУ ОРЗУ

Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудудидаги халқлар қадимқадимдан аҳил ва иноқ бўлиб яшашга интилиб келишган. Тинч-тотув яшаш ҳамиша уларнинг эзгу орзуси, тилаги бўлган. Негаки, ер-сувимиз, иқлимимиз бир, яйловларимиз туташ, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, тилларимиз, маданиятларимиз ва тақдиримиз бир-бирига яқин ва муштаракдир.

Мана ҳозирги социалистик тузумимизнинг шу бугунги оғир, бурилиш палласида азалий дўстлигимизни янада мустаҳкамлашга киришилганлигидан ниҳоятда мамнун бўлдик. Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон раҳбарларининг шу борадаги учрашув ва маслаҳатлашувларини жуда маъқуллаймиз. Бундай ҳамкорликдан кўзланган пировард мақсад ниҳоятда улуғ ва қимматлидир.

Бизнинг «Қизилча» давлат наслчилик заводи ҳудудида ўзбек, қозоқ, тожик, татар, рус ва бошқа миллатларга мансуб кишилар яшайди. Баъзан хўжалигимиздаги ана шу кишиларни қовуштириш ҳам осон кечмайди. Негаки беш қўл баробар эмас. Мен буни мазкур хўжаликка узоқ йиллар раҳбарлик қилиш тажрибамдан яхши биламан. Бироқ биз хўжалик аҳлининг ўзаро мустаҳкам ҳамкорлиги, иноқлиги ва қатъий интизоми туфайлигина салмоқли ютуқларга эришдик. Ўн марта Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ғолиб бўлдик. Кўпгина ижтимоий-иқтисодий муаммоларимиз қийинчилик билан бўлсада, ўз ечимини топмоқда.

Мен ўйлайманки, агар биз Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари ҳукуматларининг иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлиги тўғрисида Олмаотада тузилган Битимга изчил амал қилсак, кўпгина мушкул вазифа ва муаммоларимизни нисбатан осонроқ ҳал қилишимиз, рўзғорларимизни биргаликда янада равнақ топтиришимиз шубҳасиздир.

Мирзон НУРБОЕВ,
Нурота районидаги «Қизилча» давлат наслчилик заводи директори, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзоси, КПСС XXVIII съезди делегати.

БИРЛАШГАН ЎЗАР

«Бугунги кунда умумий хонадонимиз тўғрисида ҳаммамиз биргаликда гамхўрлик қилиш билангина жамиятни янгилашда олға томон силжишга эриша оламиз». Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари раҳбарларининг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатномасидаги ушбу сатрларни ўқиб чиқиб, бир нарсага ишонч ҳосил қилдим. Эндиликда барчамиз турмушимиздаги иқтисодий-ижтимоий қийинчиликларни ҳамжиҳатлик билан бартараф этишимиз, умумий фаровонлигимиз йўлида жипслашган ҳолда ҳаракат қилишимиз лозим. Зеро, ҳозирги вақтнинг ўзи шуни кўрсатиб турибди.

Мен ишлаётган корхона коллективининг эзгу мақсади кўпроқ уй-жой ва бошқа маданий-маиший объектлар қуриб халқимизга қулайлик яратишдан иборат. Бу йўлда анчагина ишларни амалга оширяпмиз. Жумладан, уй-жой масаласини тезроқ ҳал қилишга ўз ҳиссамизни қўшиб келяпмиз. Ўтган йили апрель ойида ишчилар учун икки қаватли турар-жой биносини қуриб бердик. Бу йил ҳам яна иккита турар-жой корпуси барпо этишни мўлжаллаб турибмиз.

Хуллас, ҳозирги жиддий вазиятда азалий дўстликни мустаҳкамлашимиз, бир-биримизнинг ташвишимиздан хабардор бўлишимиз, лозим бўлган пайтда эса ёрдам қўлини чўзишимиз зарур. Зеро, халқимизда Бирлашган ўзар деган мақол бор. Шундай экан, фақат ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилганимизда, бирлашиб муаммоларни ҳал қилганимиздагина кўзлаган мақсадимизга эришиш мумкин.

А. ТУРҒУНОВ,
Андижон қурилиш-монтаж бошқармасининг Хўжаобод районидаги участкаси ишчиси.

БИЗНИНГ БУРЧИМИЗ

Беш қардош жумҳурият раҳбарларининг Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон халқларига Мурожаатномаси, Баёноти ва иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисида тузган Битими ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда, шубҳасиз, катта воқеадир. Ҳозирги мураккаб даврда худди шундай уюшқоқлик, якдиллик керак эди.

Мурожаатномага амал қиладиган ҳам, Баёнотни қалбдан қўлдиладиган ҳам, Битимнинг амалга оширишига ҳисса қўшадиган ҳам халқ. Шундай экан, халқда ҳамма вақт барқарор куч-қувват, ғайрат, фаол руҳ бўлиши лозим.

Адабиёт ва санъат намояндалари тарихий ҳақиқатни ўз асарларида акс эттирар эканлар, айни вақтда одамларни, халқларни, миллатларни бир-бирига яқинлаштиришга, дўст-биродар бўлиб яшашга, энг муҳими, якдилликка ундайдилар. Бу Алишер Навоий ва Абайдан, Рўдакий ва Махтумқулидан, Тўқтағул ва Бердақдан қолган қутлуғ анъана. Биз хурсандмизки, бу мўътабар анъанани бугунги кунда Чингиз Айтматов ва Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Эркин Воҳидов, Ўлжас Сулаймонов, Мўмин Қаноат, Тиркаш Жумагелдиев, Тўлапберган Қаипбергенов каби ўнлаб адабиёт арбоблари алоҳида ташаббускорлик билан давом эттирмоқдалар. Уларнинг қаторида театр, кино, музика ва тасвирий санъат намояндалари ҳам бор. Ижодкорларнинг мақсадлари битта: ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги янгиликларнинг, ўзгаришларнинг, ташаббусларнинг маъно-моҳиятини халққа янада чуқурроқ етказиб бериш, уларнинг амалиётини иложи борича тезроқ таъминлашга кўмаклашиш.

Шундай экан, биз театр санъати ходимлари ҳам Мурожаатнома даъватларига қалбдан, лаббай, деб жавоб бериб, эртанги кунимизда тарихий моҳият касб этадиган Битимнинг муваффақияти учун хизмат қилишни ўзимизнинг муқаддас бурчимиз деб биламиз.

Санъат ДЕВОНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СУДИ РАИСИНИНГ БИРИНЧИ ЎРИНБОСАРИНИ ВА ОЛИЙ СУД АЪЗОЛАРИНИ САЙЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари қилиб Абдусамад Абдуҳамидович Полвонзода сайлансин.

2. Абдуҳамид Абдураҳмонович Аҳмаджонов, Тоҳиржон Норматович Қорабоев, у Тошкент область судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Баҳодир Махситов, Мурод Ҳазратқулович Сулаймонов, у Фарғона область судининг аъзоси вазифасидан озод этилиб, Ўзбекистон ССР Олий суди аъзолари қилиб сайлансин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри.
1990 йил 19 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР БОШ ДАВЛАТ АРБИТРИНИНГ ЎРИНБОСАРЛАРИНИ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

Қуйидаги ўртоқлар Ўзбекистон ССР Бош давлат арбитрининг ўринбосарлари этиб тайинлансин:

Свиридов Юрий Иванович.
Умаров Мирзоҳид Собирович.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг Раиси
М. ИБРОҲИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1990 йил 19 июнь.

• *КПСС XXVIII съезди олдидан: делегатлар билан суҳбат*

ЖИПСЛИК ВА ЯКДИЛЛИК КЕРАК

Ўзбекистон партия ташкилотларидан 162 коммунист КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайланди. Уларнинг ёши, миллати, касби, хизмат вазифаси турлича. Аммо жумҳуриятдаги барча коммунистлар сингари съезд делегатларини ҳам партия тақдири ва ижтимоий ривожланиш жараёнидаги ҳозирги аҳвол жиддий ташвишга солмоқда. «Совет Ўзбекистони» мухбири делегатлар билан суҳбатлашиб, уларга савол билан мурожаат қилди:

— Сизни ҳозир партияни қайта қуриш жараёнида дуч келинаётган қандай муаммолар ташвишлантиряпти!

Р. Шоева, Шофиркон районидаги И. Мўминов номли колхоз партия комитети котиби: — Партияга қарши ҳужум тобора кучайиб бораётгани жиддий хавф туғдиряпти. Қайси газета ва журналларни ўқиманг, танқидий фикр айтилаётган мақолаларга кўзимиз тушади. Буни сира ҳам фикрлар хилма-хиллиги деб бўлмайди. Баъзи мақолаларни ўқиб, ҳатто чуқурлашиб кетганига ишонмай ҳам қоласан киши. Ахир партия раҳбарлари йўл қўйган хатоларга унинг оддий аъзолари сабабчи эмаслар-ку? Улар қатағонлик ва турғунлик йилларидаги воқеалар содир бўлаётганида ўзларидан талаб қилинганидек, ўз иш жойларида «авангардлик кўрсатиб» меҳнат қилиш билан шуғулланганлар-ку? Хатога йўл қўйган партия раҳбарларини эса асло бутун бир партия деб бўлмайди. Партия бу коммунистлар оммасидир. Демак, танқид қилинадиган бўлса, хато ва камчиликларга йўл қўйган ана шу камчиликларнинг сабабчилари номига айтилиши керак-да. Ўз сафига миллион-миллион оддий коммунистларни бирлаштирган партияда нима айб? Мен бундай асоссиз танқидбозликни, «хўл-қуруқ баравар ёнишини» қаттиқ қоралайман.

— К. МУРОТОВ, Жиззах станцияси локоматив депоси машинисти: — В. И. Ленин ташкил этган партия ишчилар партияси эди, у меҳнаткаш халқ манфаатларини кўзлаб иш олиб бориши лозим эди. Партия ҳозир ҳам ана шу позицияда маҳкам туриб, уни қаттиқ ҳимоя қилиши керак. «Партия ва халқ биргадир!» деган шиорни эслаб кўринг-а. Амалда ана шундай бўлиши керак. Бироқ ростига кўчиладиган бўлса партия халқдан ажралиб қоляпти, ишчилар синфидан узоқлашгани сари эса унинг обрўси тушиб бормоқда.

Қайта қуриш йилларида эришилган ютуқлар билан бирга партия ишида бўлаётган ларга бўлиниб кетиш хавфи ҳам юзага келди. Менимча сўздан амалий ишга ўтиб, КПСС билан алоқасини узиб-гина қолмай, унинг тутган йўлига зид иш қилаётган турли бузғунчилар ва сафсатабозларга қарши қатъий ҳужумга ўтиш лозим. Биз халқ номидан гапираётган ана шу гапдонларнинг пировард мақсади раҳбарлик органларига суқилиб кириб олиш эканлигини биламиз. Шунинг учун ҳам ҳокимиятга интилаётган ана шундай кишиларнинг танобини тортиб, партиядан қувиб чиқаришимиз лозим.

Д. АБДУРАҲМОНОВ, Наманганди 10-қурилиш трести 1-қурилиш-монтаж бошқармаси бригадири: — Жуда ҳам тўғри таклиф. Носоғлом кучларнинг партияни бўлиб юбориш учун қилаётган барча хатти-ҳаракатларини қаттиқ қоралашимиз керак. Биз бу ишда батамом якдилмиз. Жумҳуриятимиз коммунистларининг фикри ҳам, талаби ҳам КПСС сафларида жипсликка эришишдан иборат.

Шуни ҳам айтмоқчиманки, коммунистлар ўртасида масъулиятсизлик кучайиб боряпти. Бунинг оқибатларини ўтиш даврига тўнкаш одат тусига кириб қолгани таажжубланарли ҳол.

Мени яна шу нарса ҳам ташвишлантирмоқдаки, «Қани, кўрайликчи, воқеалар қаергача бориб етаркин», деб бир четда томошабин бўлиб турган коммунистларнинг сони кўпайиб боряпти. Ана шундай кишиларга айтадиган гапим: ўз хонадонимизда ўзимиз тартиб ўрнатишимиз керак. Биз учун бу ишни бошқа ҳеч ким қилиб бермайди.

М. ПРИМҚУЛОВА, Пайариқ районидаги Куйбишев номли колхоз партия комитети котиби: — Дарҳақиқат бир четда кутиб туриш барча партия бўғинларидаги касаллик бўлиб қолди. Сиёсий системани ислоҳ қилишга берилиб кетиб, асосий кучлар ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишдан чалғитиб қўйилмаяптими? Мажлисбозликка берилиб кетилгани ҳам рост. Бирор кун йўққи, у ёки бу даражада йиғилиш ўтказилмаётган бўлсин. Менимча, мажлисбозлик оз бўлсин-у, амалий ишлар кўпроқ бўлсин. Партия ишининг мағзи ана шунда.

Р. РЎЗИЕВ, «Каршистрой» ихтисослашган қурилиш бирлашмасига қарашли «Каршиирмонтаж» трестининг 1-кўчма механизациялашган колоннаси электр пайвандчиси: — КПСС XXVIII съезди партиянинг жамиятдаги ўрнини, унинг мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишдаги роли ва аҳамиятини аниқ белгилаб бериши лозим. Партиянинг обрўсини кўтармай туриб, унинг авангардлик ролини таъминлаб бўлмайди. Бошланғич ташкилотларнинг масъулияти ва мустақиллигини амалда ошириш лозим.

Барча муаммолар меҳнат коллективи ва бошланғич партия ташкилотининг ўзида ҳал этилиши зарур. Бунда эса ана шу ташкилот котибининг зиммасига жуда катта масъулият юкланади. Холбуки, бошланғич ташкилот котибларининг 99 фоизи партия топшириғини ўзининг асосий иш вазифаси билан қўшиб олиб бормоқда. Шу сабабли кўпчилик котиблар корхона раҳбарининг кайфиятига қараб ишлашга мажбур. Унинг учун шу пайтгача гарантияланган ижтимоий муҳофаза яратилмаган.

З. ПИРНАЗАРОВ, Қорақўзак районидаги «Маданият» совхози ижарачиси: — Съездда партиянинг ўзида мустаҳкам жипслик ва якдилликни вужудга келтириш лозим. Партиянинг ленинча моделига қайтиш ва уни энг аввало қуйи бўғинлардан, жумладан, бошланғич ташкилотлар ишида амалга ошириш керак. Съезд партия ташкилотларидаги бузилишларга узил-кесил барҳам беради, деган умиддаман. Агар лозим бўлса ўзим ҳам сўзга чиқиб, позициямни билдираман. Партиядаги бузилиш йўқотилмас экан, КПССга съезддан кейин янги кучлар кириб келади, деб айтиш қийин. Ҳолбуки, мамлакатимизда соғлом кучлар беҳисоб. Шунинг учун ҳам асосий эътиборни жипслашиш ва якдилликка, носоғлом кучларга қарши курашга қаратмоғимиз лозим.

• *Советлар ва ҳаёт*

ЎЗИНИ-ЎЗИ БОШҚАРИШ

«СССР маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида» СССР Қонуни кучга кирмоқда. Ундаги қоидаларни қандай қилиб тезроқ амалга ошириш мумкин? Маҳаллий Советлар ва уларнинг ижро органлари ўртасидаги муносабат қай тарзда шаклланади?

Халқ депутатлари Бухоро вилоят Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Қ. ГАТАУЛИН билан «Совет Ўзбекистони» мухбири Н. Наимовнинг суҳбати шу масалаларга бағишланди:

— Шамил Қодирович, маҳаллий Советлар тузилишидаги ислоҳот қандай амалга оширилмоқда, бу борадаги дастлабки қадамлар нимадан далолат беряпти?

— Совет сиёсий системасининг КПСС XXVII съезди белгилаб берган ислоҳоти турмушимизнинг тобора кенг қатламларини қамраб олмоқда. Маҳаллий Советлар тузилиши ва фаолиятида туб ўзгаришлар содир бўляпти.

Яқинда бўлиб ўтган маҳаллий Советларга сайловларда шаклланган халқ депутатлари корпуси ўзининг дастлабки ташкилий сессиясида илк бор ижроком билан бир қаторда вилоят Советининг президиумини тузди.

Сайловчилар билан кўпгина учрашувларда меҳнаткашлар томонидан маҳаллий Советлар ишини бошқарувнинг янги тузилишини йўлга қўйиш зарурати тўғрисида бошқа совет ходимлари қатори менга ҳам саволлар тушган.

Бунга нима деб жавоб бериш мумкин? Албатта, ҳар қандай янгилик сингари мазкур тадбир ҳам давр синовидан ўтмоғи лозим. Лекин ҳамма жойда ҳам қонунчилик ва ижро ҳокимиятини бир-биридан ажратиш силлиқ ўтаётгани йўқ. Жумладан, Омск шаҳар ижроия комитети тўла состав билан истеъфога чиқишини эълон қилганидан кўпчилик газетхонларнинг хабари бор. Шубҳасиз, бунинг боиси «тегишли малакага эга бўлмаган» Советлар президиуми билан ҳамкорлик қилишдан бўйин товлаш эди. Гўёки янгидан ташкил қилинаётган совет аппарати ижроком аппаратида ўз хизматкорини кўраётган, ўзининг бош вазифаси эса унинг ишини назорат қилиш, топшириқлар бериш ҳамда уларнинг бажарилишини қатъиян талаб қилиш, деб билар эмиш.

Совет ишини бошқариш ислоҳотини бундай тушуниш қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатни бачканалаштиришдан бошқа нарса эмас. Бизнинг вилоятимизда бундай ўзаро ихтилофлар учун ўрин йўқ.

— Вилоятда ўзаро муносабатлар аниқ қай тарзда шаклланмоқда?

— Биринчи навбатда шуни таъкидлаш лозимки, вилоят ижрокоми аппаратида узоқ йиллар ишлаб совет ишини яхши ўзлаштирган энг юқори малакали ходимларимизни президиум аппаратига ўтказдик, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамладик. Дарвоқе, янги вилоят Совети президиуми аппарати ходимлари иш ҳақини ҳам ижроком, унинг бўлим ва бошқармалари ҳисобидан тегишли фонд даражасида олишади.

Совет президиуми ва ижроком ўртасида вазифалар дастлабки тарзда тақсимлаб олинди. Илгари вилоят Совети сессияларини ўтказишга тайёргарлик кўриш, доимий комиссиялар ва депутатлар группалари ишини ўзаро мувофиқлаштириш, сайловчилар наказларини умумлаштириш ҳамда ижросини назорат қилиш ижроком, унинг бўлим ва бошқармалари иш вақтининг салмоқли қисмини оларди.

Энди бу вазифаларни Совет президиуми ўз зиммасига олди. Натижада ижроком бевосита ўз вазифаси билан, яъни иқтисодиётни юксалтириш, халқ хўжалиги тармоқлари ишини молиявий жиҳатдан соғломлаштириш, социал инфраструктурани комплекс ривожлантириш ва бошқа муҳим масалалар билан амалий тарзда машғул бўлиш имкониятини қўлга киритди.

Президиум ҳам, ижроком ҳам шунга асосан ўз иш планларига тегишли ўзгартишлар киритди.

— СССРда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисидаги Қонунда мулкчилик муносабатларини чегаралашга алоҳида урғу берилган. Вилоят халқ хўжалигида бу масалани қандай ҳал қилиш мумкин?

— Яқин ўтмишда меҳнат кишисини мулкдан, хўжаликни бошқаришдан бегоналаштириш аслида уни ҳокимиятдан четлаштириш билан баравар эди. Чунки меҳнат кишиси ўзини социалистик мулкнинг ҳақиқий хўжайини деб ҳис этган тақдирдагина уни янада ривожлантириш учун манфаатдорликни ҳис қилади. Фақат мана шу асосдагина кишиларнинг тафаккуридаги лоқайдликни тугатиш, уларни маъмурчилигимизнинг ижодкорига айлантириш мумкин.

Янги қабул қилинган Қонунда умумхалқ мулки билан бир қаторда унинг регионал турлари кўзда тутилганини мана шундай тушуниш керак. Энди коммунал хўжалик, шаҳар автотранспорти, социал-маиший муассасалар алоҳида коммунал мулкка ажратилиб, унинг чинакам хўжайини этиб маҳаллий Советлар белгиланди.

Коммунал мулкни ривожлантириш учун энди бевосита маҳаллий Советлар ва уларнинг ижроия органлари жавобгар. Демак, маҳаллий бюджет ихтиёридаги маблағларни кўпайтириш йўлларини излаш лозим. Жойлардан эса бюджетга тўловларни қисқартириш, маҳаллий эҳтиёжларга маблағ ажратишни кескин кўпайтириш, улгуржи нархларни ошириб, чакана нархларни дахлсиз сақлаш тўғрисида овозлар эшитилмоқда. Меҳнат коллективлари корхоналар ҳуқуқларини кенгайтириш, уларнинг эски қарзларидан воз кечиб, янги қарзлар беришни талаб этишмоқда.

Бироқ фақатгина ҳаққоний талаблар билан тўпланиб қолган иқтисодий муаммоларни ҳал қилиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам биз иқтисодиётни иложи борича регионлаштириш йўлидан бормоқдамиз. Шу мақсадда ишлаб чиқарилаётган тақчил маҳсулотларни вилоят чегарасидан чиқаришни чеклаш тадбирлари кўрилди. Иттифоқ ва жумҳурият аҳамиятига молик корхоналар вилоят аҳолиси эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ жалб қилинмоқда.

Моддий неъматлар тақсимотининг план-бозор механизми шаклланаверар экан, маҳаллий корхоналарнинг ҳуқуқлари тобора кенгаяверади, бошқарув жараёни барча даражаларда демократлаштирилади. Меҳнат коллективлари чет эллик фирмалар билан иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириб, валюта жамғармаларини кўпайтириш имкониятига эга бўладилар.

— Айни маҳалда экспорт-импорт фаолиятини ўз ташаббуси билан кенгайтираётган корхоналар борми? Бундай фаолият уларга қандай самара бермоқда?

— Бухоро тўқимачилик ишлаб чиқариш бирлашмаси, Навоий электрохимия заводи, пахта ишлаб чиқариш вилоят бирлашмаси, қоракўл тери ошлаш заводи ва яна бир қатор корхоналар кўп йиллардан буён бундай фаолият билан шуғулланишмоқда. Аммо ҳозиргача халқаро иқтисодий алоқаларни маҳаллий даражада мувофиқлаштирадиган ташкилот йўқ эди.

Яқинда вилоят ижрокомида чет эл билан иқтисодий алоқалар бўлими ташкил этилди. Экспортёр корхоналарни ўзаро бирлаштирган «Бухоро» уюшмаси тузилди. Уюшма чет эл фирмалари билан ўзаро ҳамкорлик тўғрисида фаол музокаралар олиб бормоқда. Чунончи, Японияданги «Ванделли Трейдинг», Швейцариядаги «Фриза Инженеринг», Жанубий Кореянинг «Сам Янг», Италиянинг «Пачинотти» сингари ўнлаб фирмалари билан ғишт, черепица, сантехника буюмлари тайёрлаш, пахта тозалаш, пиллакашлик саноати, қишлоқ хўжалик чиқитларини қайта ишлаш бўйича ўзаро ҳамкорлик корхоналарини ташкил қилиш тўғрисида дастлабки тарзда келишилди. Тузилган айрим протоколлар бўйича шартномалар тузиш юзасидан амалий иш олиб борилмоқда.

Бундай алоқаларни ривожлантириш эвазига вилоят корхоналари тобора кўп валютага, шу жумладан, биринчи группадаги эркин алмаштириладиган валютага эга бўлишмоқда. Бу эса ўз навбатида замонавий асбоб-ускуналар, илғор технология, тиббий техника, кенг истеъмол буюмларини харид қилиш учун шароит яратмоқда.

Афсуски, жумҳурият ҳукумати кейинги даврда бундай фаолиятни ривожлантиришга тўсқинлик қиладиган бир қатор тадбирларни белгилади. Масалан, паст навдаги пахта хом ашёси, шу жумладан, улюк, момиқ, линт, пиллакашлик фабрикалари чиқитларини чет эл фирмаларига сотиш тақиқланди. Ваҳолонки, бундай турдаги хом ашё яхши даромад манбаи.

Фикримизни далиллаш учун фактларга мурожаат этайлик. Вилоят пахта тозалаш заводлари шартнома мажбуриятларига асосан момиқнинг тоннасини 40—90 сўм нархда бўрдоқичилик базаларига сотишади. Аммо, чет эл мамлакатлари уни 3—5 марта юқори баҳога — валютага харид қилишга тайёрдир. Бу эса маҳаллий корхоналар ҳуқуқларини чеклашдан бошқа нарса эмас. Бундан ташқари маҳаллий Советлар экспорт фаолияти ҳамда валютадан фойдаланиш соҳасида ҳар қандай ваколатдан маҳрумдирлар.

Келгуси йилдан жумҳуриятимиз халқ хўжалиги тўла хўжалик ҳисобига ўтишини ҳисобга олиб маҳаллий Советлар, уларнинг ижроия органларининг чет эллар билан иқтисодий алоқалар соҳасида ваколаларини кенгайтириш масаласини ҳал қилиш лозим. Экспорт-импорт фаолиятининг истиқболларини назарда тутиб, вилоят марказида СССР «Внешэкономбанк»нинг филиалини очиш зарурати туғилмоқда.

Умуман, ҳозир жумҳуриятда қонунчиликни «СССРда маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш ва маҳаллий хўжаликнинг умумий асослари тўғрисида» қабул қилинган Қонун билан мувофиқлаштириш тадбирларини кўриш керак. Бизга фақатгина шу куннинг эмас, истиқболнинг муаммоларини ҳал қиладиган қонун керак.

ЖУМҲУРИЯТ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИДА

25 июнь куни Тошкентда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши бўлиб ўтди. СССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Э. Ю. Юсупов В. И. Ленин номли Тошкент давлат университетининг ректори қилиб тайинланганлиги муносабати билан у Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг аъзоси қилиб қолдирилиб, жумҳурият Фанлар академиясининг вице-президенти, ижтимоий-гуманитар фанлар бўлимининг раиси вазифаларидан озод қилинди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги И. И. Искандаров жумҳурият Фанлар академиясининг вице-президенти ва иқтисодий-гуманитар фанлар бўлимининг раиси этиб сайланди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби Ж. Ҳ. Ҳамидов қатнашди.

(ЎзТАГ).

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ. Тепловоз-локомотив депоси меҳнатчилари Юрий Емельяновни яхши билишади. У моҳир машинист, ташаббускор, изланувчан, айни вақтда моҳир ташвиқотчи. Ҳамкасблари билан суҳбатларда у доимо янги далиллар асосида мавзуни тушунтиришга интилади. Ҳамкасблари унга юксак ишонч билдиришди: КПСС XXVIII съездига делегат қилиб сайлашди.

Суратда: корхона партия комитетида суҳбат. (Чапдан ўнгга): Ю. Емельянов, «Андижон» депоси партия комитети котиби М. Абдуллаев ва ёш коммунист Р. Усмонова.

Р. АШУРОВ олган сурат. (ЎзТАГ).

АМАЛИЙ УЧРАШУВ

Тошкентда Ўзбекистон ва Қирғизистон ССР ички ишлар министрларининг амалий учрашуви бўлди.

Қирғизистон ССР ички ишлар министри В. В. Гончаров Ўш вилоятидаги воқеалар муносабати билан жумҳуриятда вазиятни барқарор қилиш учун қандай чоралар кўрилаётгани, зўрлик, ўт қўйиш ва талончилик билан боғлиқ жиноий ишларни тергов қилиш қандай бораётгани ҳамда оммавий тартибсизликларнинг бошловчилари ва фаол қатнашчиларини аниқлаш ва қўлга олиш учун нималар қилинаётгани ҳақида сўзлаб берди. Ўш вилояти территориясидаги бебошликлар ва тўқнашувлар даврида бедарак йўқолган одамларни қидириш масалалари ҳам тилга олинди.

Ўзбекистон ССР ички ишлар министри В. М. Камолов ўз касбдошига Қирғизистон ССРнинг Ўш шаҳридаги, Ўзган, Олой, Қорасув, ва бошқа районларидаги ачинарли воқеалар хатарли вазиятни вужудга келтирганлиги ҳақида ахборот берди. Шу муносабат билан жумҳурият Президенти Фармони билан Андижон вилоятидаги бешта районда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Министрлар партия, совет, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг куч-ғайрати туфайли кескинлик ўчоқлари вужудга келишининг олдини олишга муваффақ бўлинганлигини ҳам таъкидладилар.

Ички ишлар министрликларининг раҳбарлари икки қардош халқ асрлар давомида таркиб топган дўстликка раҳна солмасликлари лозим деган якдил фикрни билдириб, икки қардош жумҳурият ички ишлар органлари қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, барча одамларнинг тинчлиги, осойишталиги ва фаровонлигини ҳимоя қилажакларини айтдилар.

Учрашувда Ўш вилоятидаги воқеалар муносабати билан оператив, қидирув тадбирларини мувофиқлаштириш, жиноятчиликка қарши курашнинг ўзаро қизиқиш туғдираётган муаммолари юзасидан бевосита икки томонлама алоқаларни ташкил этиш, қонунбузарликнинг олдини олиш юзасидан тажриба алмашиш йўллари белгилаб олинди. Икки жумҳурият чегарасида осойишта вазиятни сақлаш масалаларига катта эътибор берилди.

Министрлар ички ишлар органлари фаолиятини яхшилаш хусусида фикрлашиб олдилар, муниципал милиция тузиш ва шу муносабат билан ички ишлар органлари ўзаро алоқаларига янгича ёндашув масалалари кўтарилди.

Бундай учрашувни мунтазам ўтказиб туриш тўғрисида келишиб олинди.

Китоблар оламида

МЕРГАН ЭСДАЛИКЛАРИ

Атоқли адабиётшунос, Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ҳамза мукофоти лауреати Матёқуб Қўшжоновнинг таржимаи ҳолида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси эканлиги қисқагина эслатиб ўтиларди. Уни яхши билган, ижодини ўрганган ёзувчи ва олимларнинг китобларида эса, Матёқуб Қўшжонов унақабунақа жангчи эмас, снайпер жангчи бўлганлиги, олтмиш уч фашистни ер тишлатгани ҳақида қизиқарли маълумотлар келтирилган. Байрам олди учрашувларида, дилтортар одамлар гурунгида домланинг ўзлари ҳам баъзан «ёрилиб», уруш жангоҳларида кўрган-кечирганларидан таъсирли лавҳалар, ибратли хотиралар сўзлаб берардилар. Билардикки, дилларининг тўрида бундай ёрқин хотиралар қатланиб ётибди, вақти-соати келиб, қоғозга тушса ажаб эмас. Худди шундай бўлди...

«Ёш гвардия» нашриёти Ғалаба байрами арафасида «Тепки босилди...» дея аталган снайпер хотираларини босмадан чиқариб, ўқувчиларга тақдим этди.

Бошқаларни билмадиму, снайпер хотираларини, муаллифнинг адабий-танқидий китоблари сингари, бир ўтиришда, қўлдан қўймай ўқиб чиқдим.

Жангчи-публицист Матёқуб Қўшжоновни тушуниш, баҳолашда... адабиётшунос, мунаққид Матёқуб Қўшжонов ёрдамга келди. «Ҳаёт ва маҳорат»ни, Абдулла Қодирий, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор маҳоратига доир китоб, мақола ва бошқа тадқиқотларини яна бир бор кўздан кечирдим ва муаллиф бадиий-публицистик ижод қонунятларига, ўзи илмий-танқидий асарларида айтган гапларга амал қилишга интилганига ва бунга эришганига ишонч ҳосил қилдим.

«Тепки босилди...» китоби «Снайпер жангномаси», «Дийдор» номли икки бўлимдан иборат. Бўлимлар, ўз навбатида, мустақил, қизиқарли, баъзилари ниятни очиқ изҳор этувчи («Менга снайпер милтиғини беринг!», «Жангчининг бир кунлик истироҳати»), айримлари бўлса, сирли-жумбоқли («Узоқдаги мўлжал», «Кутилган ва кутилмаган ҳодиса» ва ҳоказо) боблардан ташкил топган. Боблар бир-бирини тўлдириб, муаллиф ниятини ифодалаб боради.

Муаллиф ўз мақолаларидан бирида Улуғ Ватан уруши ёки колхоз ҳаётини ҳам умуман, тартибсиз тасвирлаб бермаслигини таъкидлаб, адибларимиздан бирининг китоби ҳақида «Уруш йилларида кўрган-кечирганларини бир асарга тўплаб тиқавермасдан, қаҳрамонларнинг маълум бир руҳий хусусиятини танлаб олиб, шучи кенг ва чуқур очиб беришга ҳаракат қилганда баъзи тасодифий ва ўринсиз фактлар, лавҳалар ўз-ўзидан тушиб қолиб, асар анча муваффақиятли чиққан бўлар эди», деб ёзганди.

Ўзи бу айтганларига амал қилади. Китобнинг дастлабки боби «Илк жанг сабоқлари» деб аталади, охирроғида «Урушнинг сўнгги куни» деган боб ҳам бор. Дарҳақиқат, урушни тугатиб қайтган ҳар бир жангчининг дилида, хотирасида бу икки сана бир умр нақшланиб қолган.

...Бирга ўсган, ов қилган, ўқитувчилик қилган икки қалин дўст — Матёқуб ва Напас машҳур Синявино ботқоғида бир окопда пусиб ўтиришибди. Энди отишма тўхтаган, қош қорая бошлаган... «Биз томонга дадил одим отаётган кимса окопнинг ўнг томонидан устимизга келди-да, ҳайрон бир ҳолатда туриб қолди. Бу... ёш немис офицери эди. Қўлида харита, Чамамда, харитадан кўз узмай, ишонч билан келаётган бўлса керак...

Вазиятни у биздан олдинроқ англаб олди шекилли, биз автоматларни тўғрилаб улгурмасдан устимиздан ҳатлаб ўтди-да, ўзини буғдойзорга урди. Иккаламиз ҳам бараварига ўқ уздик. Йигирма-ўттиз метрлар чамаси чопиб боргач, қуладди...».

Бу воқеага кўп йил ўтган бўлса-да, ҳамон ҳаёлидан кетмаганлиги, икки бирдай одам тепасидаги душманни нега оёғидан тортиб, окопга босмагани ёҳуд биргина ўқ билан тинчитиб қўя қолмаганлиги ҳақида фикр юритиб муаллиф ёзади: «...Жанг майдонида тажрибамиз бениҳоя оз эди. Ҳали биз душман билан бирор марта юзма-юз дуч келмаган эдик...». Муаллифни албатта қизиқ воқеа келтиришдан кўра бирор воқеани қизиқ қилиб ифода этиш кўпроқ банд этади, бу унга қуйма, образли тасвирни мантиқий муҳокама билан қўшиб олиб бориш, лавҳа, деталнинг моҳияти, илдизини чуқур очиб бериш, ибратли ижтимоий, психологик, аҳлоқий хулосалар чиқариш имконини беради.

Услуб — инсон дегани. Бу ҳикматнинг ростлигини ушбу китоб ҳам тасдиқлайди. Жангчи, тадқиқотчи, инсон Қўшжоновнинг вазмин, бамайлихотир, асосли, теран услуби публицистик асарига ҳам кўчган. «Биринчи дуэль», «Иккинчи дуэль», «Одам, аммо фашист» боблари бу жиҳатдан, айниқса диққатга сазовор. Немис «ас снайпери» кўп жангчиларимизни, жумладан, хиёл эҳтиётсизлик қилиб, окопдан бошини чиқарган дилкаш, хушсухан Мухтор акани ҳам қулатади. Душманни аниқлаб, йўқ қилишни устози Алексей Кочегаров овчиликда кўзи, қўли пишган, машқларда беш тийинлик тангани урадиган, ингичка симларни узиб туширадиган жангчи «Матьякуб»га топширади.

Душман айёр, эҳтиёткор. Демак, ундан ҳам айёр, эҳтиёкор бўлмоқ лозим, аввало, унинг қаерда пусиб ётганини аниқламоқ даркор. Бунинг учун мерган бош қотиради ,муҳокама юритади, дўстлари билан маслаҳатлашади, ниҳоят, душман ўрнини аниқлайди, бир-икки кун чалғитади ва охирида оптикали милтиқдан ўқ узиб, маҳв этади.

«Характер бу шахс иродасининг маълум бир йўналишда бўлишидан иборатдир»,— ёзади олим М. Қўшжонов ва асарида эсда қоларли характер яратишга интилади. Вазмин, оғзидан трубка аримайдиган, снайперликнинг ҳавосини олган, камтар, одамохун рус Алексей Кочегаров, жуссаси кичик, кучли, қизиққин, тадбиркор мордвин Фомин, ўрта бўй, чайир, чаққон, гаплдон, темир иродали озар йигити Мамед, қўрқмас алоқачи, снайпер қўйга учган Вася, сенга снайперликни ким қўйибди, деган маънода қуруқлик қилган котиб йигит, мерганларга нишон таққан, хушфеъл, мулойим дивизия командири Родигин ва бошқалар шулар жумласидандир.

Жигарбандига меҳри беқиёс онаизорлар образи ҳам муаллиф ютуги. Айниқса, уйга кирмай, нуқул эшиги олдида ўғли Жумабойнинг йўлига кўз тикиб ўтирадиган, кута-кута адойи тамом бўлган Қайишжон момо тақдири кишини ларзага солади. Юз ёшдан ошиб яқинда қазо қилган ойиси, ўғлини ҳарбийга жўнатишаётганида бир зумда пиёда ўн олти чақирим йўл босиб бир этак думбул ўрик келтириб беради. Машина юриб кетгач, чанг ичида икки қўлини олд томон чўзиб, оёқ яланг анчагача чопиб келади. Бу ҳолатлар тасвирини ўқиганда беихтиёр кўзларда ёш ғилтиллайди...

«Тепки босилди...»нинг камчилиги — қисқалиги. Китобнинг тезда тугаб қолганига ўкинган ўқувчи ҳам, воқеалар, хотираларни жиддий саралаган, асарнинг қаппайиб кетишига йўл қўймаган муаллиф ҳам — ўзларича ҳақ. Асар ижод қонуниятларидан чуқур хабардор олим томонидан ёзилган бўлса ҳам, ҳар қалай, бадиийет, публицистика борасидаги илк ва йирик қадам. Унда нуқсонлар ҳам бор, албатта. М. Қўшжонов илмий асарларида фикр ўткирлиги айрим услубий носозликлар, ўрнига тушмаган жумлаларни босиб, андавалаб кетар эди. Жангномада ҳам ҳазм бўлиши қийин, тарашлаш, силлиқлашга муҳтож, у қадар ижобий таассурот қолдирмайдиган жумлалар учраб қолади.

Китоб Буюк Ғалабанинг 45 йиллигига ўзига хос совға. Муаллиф келгусида хотираларидан янги боблар эълон қилмоқчи, бошқа нашрларнинг ҳам мўлжали бор. Демак, жангнома кенгаяди. Янги, тўлиқ нашр юзага келади ва у ҳам ёшларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялашда муҳим роль ўйнайди, деган умидга асос бор.

С. УМИРОВ, филология фанлари номзоди.

Халқ иродаси

Тошкент ш. Ленинград кўчаси 32. Совет Ўзбекистони газетасига

РЎЗНОМА ПОЧТАСИ:

● Қарийб ярим йил мобайнида «Совет Ўзбекистони»га 11 минг 700 та хат-хабар, шикоятлар келди.

● Шуларнинг 7 мингтадан кўпроғи газетамиз саҳифаларида эълон қилинди.

● Мутасадди ташкилотларга юборилган 1300 та шикоятнинг асосий қисмига масала ижобий ҳал этилганлиги ҳақида жавоблар олинди.

● Келган хатларнинг 500 дан кўпроғини газетада берилган турли мавзудаги мақолаларга билдирилган фикр-мулоҳазалар ташкил этади.

● Ўзбекистон Компартиясининг XXII съезди ва КПСС XXVIII съездига тайёргарлик муносабати билан партиянинг, коммунистнинг жамият ҳаётида тутган ўрнига онд хатлар, таклиф-истаклар анча кўпайди.

Жамоатчи суратқашлар Е. Ҳўжамбердиев ва К. Каримов олган ушбу тасвирларда меҳнат илғорларини кўриб турибсиз.

1. Жарқўрғон ноҳиясидаги Ҳ. Олимжон номли совхоз 1-фермаси илғор сутсоғари Дилбар Саидованинг мусобақада ғолиб чиққан пайтидаги қувончи акс эттирилган. У ҳар доим каттага ҳурматда, кичикка иззатда бўлиши, ишчанлиги билан чорвадорлар ўртасида катта обрў орттирган. Унинг бу йилги ниятлари яна ҳам юксак. Қарамоғидаги сигирларнинг ҳар биридан соғиб олинадиган сут миқдорини йилига 3 тоннага етказиш унинг эзгу мақсади.

2. Йўлмурод Бекмуродов қарийб ўттиз йилдирки, Шофиркон районидаги мева ва узумчиликка ихтисослашган «Жилвон» совхозида бригада бошлиғи бўлиб меҳнат қилиб келяпти.

Айни кунларда у бошлиқ бригада соҳибкорлари мавжуд 53 гектар майдондан юқори ҳосил олишни кўзлаб туришибди. Бунинг учун токзорларга сифатли ишлов берилиб, икки мартадан хомток қилинди. Бригада аҳлининг нияти гектар ҳисобига 120 центнердан сифатли узум етиштириш.

Суратда: Бригада саркори Й. Бекмуродов.

КЎНГИЛ НОЗИК

1949 йили Совет Армияси сафига чақирилдим, артиллерия қисмида хизмат қилдим. Йигитлик бурчимни ўтаб юрган кезларимда тиззамда бирдан оғриқ сездим. Беш кун тиззам эгилмайдиган, эгилса ёзилмайдиган ҳолатда азоб чекдим. Муолажа фойда бермади, докторлар суяк сили деб гумонсирашди. Ҳарбий госпиталда даволандим, лекин фойдаси бўлмади... 1 апрель куни оёғимни корс суяги, тиззамдан кесиб ташлашди. 1950 йилнинг кузида она юртимга ногирон бўлиб қайтиб келдим. Лекин ҳаётга, яшашга бўлган иштиёқни сўндирмадим. Баҳоли қудрат узлуксиз ўттиз беш йил меҳнат қилдим. Партия ва ҳукуматимиз биз сингари ногиронларга ғамхўрлик қилмоқда. Ҳозир 113 сўм 94 тийин пенсия билан таъминланганман.

Мен ўзимни ҳеч қачон ногиронман, деб ҳис қилмаганман. Гарчи жисмонан ногирон бўлсам-да бу нарсага менда эҳтиёж йўқ эди. Лекин инсоннинг кўнгли жуда нозик. Вақти келса филдек кулфатга бардош берган кўнгил, арзимас бир қилдек дилозорликдан хасталаниб қолар экан. Яқинда бир воқеа бўлди. Эрталаб навбатсиз сут олмоқчи бўлдим. «Сенинг алоҳида имтиёзга эга бўлган қизил гувоҳноманг йўқ, ногирон эмассан», деб қойиб кетишди.

Аввало, оёғимни кесишаётганда «умумий касаллик бўйича кесилди» деган ҳужжат расмийлаштирилган экан. Ўша вақтда шифокорлар ҳам менинг келгуси тақдиримга бепарво қарашган. Қанча югур-югурдан кейин ҳам Улуғ Ватан уруши ногиронларига берилган имтиёзга эга бўлолмадим. Кейинги 20 йил ичида юрагим ҳам хасталаниб қолди. 1988 йили оғир хасталандим. Жароҳат устига яна жароҳат, иккинчи оёғимнинг тиззасига туз йиғилиб, қаттиқ оғрияпти. Лекин инсон яшаши керак, курашиб яшаши керак. Тандаги жароҳатнинг оғриқларига, азобларига чидаш мумкин, лекин дилингиз жароҳатланса-чи?

Жаҳонгир АБУБАКИРОВ,
Совет Армияси II группа ногирони.
Тошкент шаҳри.

ҒАМХЎРЛИККА МУҲТОЖМИЗ

Мурожаат

Биз Тошкент шаҳри почтальонлари редакцияга ўзимизни тўлқинлантираётган, ташвишга солаётган ва зудлик билан ечилиши лозим бўлган муаммоларни билдириб қўйишни лозим топдик.

Кейинги пайтда иш шароитларимиз енгилашиш ўрнига оғирлашиб бормоқда. Хат-хабар, газета-журнал ташийдиган сумкаларимизни кўтариш тобора қийинлашяпти. Бизларга велосипед, моторли транспорт, формали кийим-бош, пойабзал етарли даражада ажратилмаётир.

Кўпқаватли уйлар ва атрофдаги кўчалар ёритилмаслиги туфайли эрталаб азонда ва кечқурунлари юриш қийин бўляпти. Бунинг устига биз юрадиган йўллар ремонт қилинмаган.

Шаҳримиздаги 184 та алоқа бўлимининг 50 тадан кўпроғи одамлар яшайдиган уйлар ва мослаштирилган биноларда жойлашган. Бу ерларда почтальонларнинг дам олишлари, овқатланишлари ва ёғингарчилик кунлари ишдан кейин кийимларини қуритишлари учун мутлақо шароит йўқ.

Ҳозир почтальонларнинг кўп қисмини болали аёллар ташкил этади. Болаларимизни боғчаларга тўла тортиш учун ғамхўрликни сезмаяпмиз. Иш вақтимиз одатда соат 6 дан бошланади. Шаҳар транспорти шу вақтда эндигина иш бошлайди. Шунинг учун узоқдан келадиганлар таксидан фойдаланишга мажбур. Бу шундоқ ҳам оз ойлигимизни янада камайишига олиб келяпти.

Илгарилари почтальонларга иш вақтида шаҳар транспортида текин юриш ҳуқуқи берилган эди. Аммо кейинги вақтда номаълум сабабларга кўра бу имтиёздан маҳрум бўлдик.

Касбимизнинг обрўси тобора тушиб кетмоқда. Орамизда ёшлар деярли йўқ. Улар почтальон бўлиб ишлашни ёқтиришмайди. Чунки уларнинг сафимизда бўлишлари учун имтиёзлар йўқ ҳисоби.

Почталарга келтириладиган газета-журнал таҳламлари тўлиқ бўлмайди. Натижада аҳолининг бир қисми ўзларига тегишли нашрларни ололмай, жойларга шикоятлар йўллашяпти. Почта қутиларининг носозлиги ҳам аҳолининг норозилигига сабаб бўляпти. Алоқа тармоқлари уй-жойдан фойдаланиш идоралари билан почта қутиларини ремонт қилиш бўйича мунтазам шартнома тузсалар-да, қутилар ремонт қилинмайди.

Сўнгги пайтларда негадир одамлар севиб ўқийдиган «Аргументы и факты» «Ташкентская неделя» газеталари шанба ўрнига якшанба куни келтирилмоқда. Якшанбада эса, биз учун қисқартирилган иш куни бўлиши керак. Тиражи жуда кўп бу газеталарни тарқатиб, якшанбада одатдагидан кўпроқ ишлашга мажбур бўляпмиз.

Кўпинча кечки газеталарнинг чиқиши кечикиб кетиб, у алоқа бўлимларига кеч соат олтидан кейин келтирилади. Бундай ҳолларда, табиийки, уни обуначиларга тарқата олмаймиз. Обуначи эса газетани талаб қилади. Шунинг учун, агар газета кечикадиган бўлса, нима сабабдан кечикканлигини ёзиб қўйиш керак. Маълум бўлишича, Олмаота ва Болтиқбўйи республикаларида газета кечикса, уни келгуси куни тарқатиш йўлга қўйилган.

Биз почтальонлар ўз соҳамизда тўпланиб қолган муаммоларнинг бир қисминигина баён қилдик. Ана шу кечиктириб бўлмайдиган масалаларни зудлик билан ҳал этилишини истаймиз. Булар бизнинг ишимизни бирмунча енгиллаштириб, аҳолининг хат-хабар, газета, журналларни ўз вақтида олишига кўмаклашиши шубҳасиздир.

Г. ҲАСАНОВА,
106-алоқа бўлими почтальони, республикада хизмат кўрсатган алоқачи, яна 28 нмзо.

Мулоҳаза

ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН ҲОТАМТОЙЛИК

Яқин кишисининг вафоти ҳар қандай инсон учун оғир мусибат. Бунда қариндош-уруғлар, ёру дўстлар ва ҳамкасбларининг далдаси, ҳамдардлиги ғарибнинг кўнглини кўтаради. Халқимизда таъзияда қатнашиш муҳим бурч саналиб келинган, шунинг учун ҳам «тўйга бормасанг борма, аммо таъзиядан қолма» деган нақл бор.

Лекин мен фикр қиладиган мавзу халқимизнинг бу муштарак удуми тўғрисида эмас, балки инсонни йўқотиш билан боғлиқ бўлган бошқа нарса ҳақида. Бу — матбуот саҳифаларида босиладиган таъзия изҳор қилишдир.

Бунинг нимаси ёмон, деган тасаввур туғилиши табиий. Сир эмас, таъзиянома беришда марҳумнинг жамиятда ва шу меҳнат коллективида тутган ўрни, унинг жамият ҳаётидаги иштироки ва эл олдидаги обрўси (бундай бўлса, нур устига аъло нур бўлур эди) эмас, кўпчилик ҳолларда унинг яқин кишисининг мавқеи асосий эътиборда туради. Фалон идоранинг ёки муассасанинг бошлиғига отаси, онаси, акаси ва шу кабиларнинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор қилинади. Ҳолбуки, марҳум тириклигида элга ёқарли бирон бир иш қилмаган бўлиши мумкин. Лекин шу корхонада ўн йиллаб меҳнат қилиб, уни юксалишига муносиб ҳисса қўшган оддий ишчи вафот этганда ҳеч нарса босилмайди. Бу ижтимоий тенгсизликнинг бир аломати эмасми?

Яна бир ажабланарли нарса шундаки, бу таъзияномалар босиб чиқарилгани учун коллектив аъзоларининг ҳисобидан пул ўтказилади. Менингча, давлат ҳисобидан сахийликни ҳамиша ҳам оқлаб бўлмайди.

Агар кимда ким газетада таъзиянома босиб чиқариш жуда зарур деб ҳисобласа, бунинг учун кетадиган харажатни ўз ёнидан тўлаб ва ўз номидан эълон қилса...

Х. ХОЛМИРЗАЕВ,
Жиззах шаҳри.

Миннатдорчилик

ТАЛАБ ҚОНДИРИЛДИ

Ҳурматли редакция!

Сизларнинг кўмагингиз билан Сочаки болоқишлоқ Советига қарашли Киров номли колхоз правлениесига юборилган талабномамиз қондирилди.

Бугунги кунда қишлоқ аҳли ичимлик суви билан таъминланишдек, теп-текис асфальт ётқизилган йўлларда юришдек бахтга муяссар бўлди.

Қани энди, жойлардаги партия, совет ва хўжалик раҳбарлари редакциянинг аралашувисиз ижтимоий муаммоларни ҳал этишса.

У ҳолда биз ўз миннатдорчилигимизни редакция ходимларига эмас, чинакамига инсон ташвишлари ва эҳтиёжлари сари юз ўгирган ўша мутасадди раҳбарларга изҳор этардик.

Т. ҲАМРОҚУЛОВ,
маҳалла комитети раиси.
Самарқанд райони.

Таклиф

БИРДЕК ТАРТИБ БЎЛСИН

Иттифоқ ва жумҳурият ҳукуматининг қарорлари билан мансабдор шахсларга яратилган алоҳида имтиёзлар бекор қилинмоқда. Аммо бу қарорларда йўл билетларини брон қилишни тартибга солиш кўзда тутилмаган. Масалан, Марғилон темир йўл станциясидан бир кечакундузда йил фаслларига қараб 10 га яқин пассажир поездлари ўтади. Уларнинг ҳар бирига область партия ва совет органларининг кўплаб бронлари бор. Билет тақчил бўлган пайтларда ҳам бу бронлар сотилмай ушлаб турилади. Баъзан сотилмай, қолинади. Бунинг учун раҳбар идоралар ҳеч ким олдида масъул эмас.

Таклифим: билет брон қилишда барча идоралар ҳуқуқи тенглаштирилиши керак. Масалан, ҳозир Марғилон абрли газламалар ишлаб чиқариш «Атлас» бирлашмаси темир йўл билан тузган шартномага асосан маълум поездларга маълум миқдордаги билетни бир йилга брон қилишган. Ҳар бир брон қилинган билет учун бирлашма 3 сўмдан ўстама ҳақ тўлайди. Брон учун бундай устаманинг жорий қилиниши идораларнинг керагидан ортиқча билетни аввалдан банд қилмасликларига олиб келади. Партия ва совет органларига аввалдан билет банд қилиш имтиёзлари мана шу асосда қайта кўриб чиқилиши керак, деб ҳисоблайман.

М. ҲОЖИМАТОВ,
Фарғона темир йўл бўлимининг техник назорат бўйича катта тафтишчиси.

Фаолларимиз

ШИФОКОР ҚАЛАМИ

1987 йили «Совет Ўзбекистони» газетаси редакцияси ҳузурида ишчи ва қишлоқ мухбирларига ёрдам тариқасида икки йиллик маҳорат мактаби очилганди. Унга кирувчи-ҳаваскорлар сони жуда кўпайиб кетди. Эсимда, қабул кунлари хонага бир йигитча кириб келди. Қўлидаги ариза билан район газетасидан берилган тавсияномани кўрсатди.

Сайфулла Аҳмедов Бахмал поликлиникасида врач бўлиб ишларкан. Матбуотга қизиқишини имзоси билан чиққан турли мавзулардаги катта-кичик мақолалар исботлаб турарди. Мактабимизни битирганидан кейин унга ҳам «Совет Ўзбекистони»нинг жамоатчи мухбири гувоҳномаси берилди. Шундан кейин фаоллиги янада ошди. «Ҳамкорлар», «Ибрат», «Аҳвол қачон яхшиланади?», «Люба хола», «Эгизаклар», «Бўзчи белбоққа ёлчимас», «Меҳнат билан обод уйинг» каби қатор мақолалари газетамиз саҳифаларида чоп этилди.

Булардан ташқари, у Бахмал район «Ғалаба байроғи» газетасида ҳам фаол қатнашиб туради. Врач маслаҳати рубрикаси остида тиббиётга, турли касалликлар ва уларнинг олдини олишга бағишланган мақолалари ҳозир ҳам мунтазам ёритилмоқда.

Жамоатчи мухбир ўз устида тинимсиз ишлайди, марказий ва республикамизда чиқадиган деярли барча газета ва журналлар, медицинага оид адабиётларни қунт билан ўқийди, ижодий фаолиятида улардаги фойдали фикр-мулоҳазалардан фойдаланишга ҳаракат қилади. Буни унинг ёзаётган мақолаларидан ҳам кўрса бўлади.

С. Аҳмедов ўз районида врач сифатида ҳам яхши обрўга эга, коллектив ва беморлар ҳурматини қозонган. Унинг ёнига нажот излаб келган одамнинг ҳамиша кўнгли тўлиб, кайфияти кўтарилиб қайтади. Вақт билан ҳисоблашмайдиган бу шифокор беморларга малакали маслаҳатлар бериб, ўзининг бир оғиз ширин сўзини ҳеч вақт аямайди.

Саломатлик масканида самарали ишлаш билан бирга жамоатчи мухбир сифатида ҳам ижод қилаётган Сайфулла Аҳмедов доимо шу кунинг муаммоларини қаламга олишга интилади.

Т. УНАБОЕВ,
ветеран журналист.

Газетхон муаммо қўяди

Сирти ялтироқ, ичи қалтироқ

● УШБУ мактубни редакцияга йўллар эканмиз, қайта қуриш шарофати туфайли биздай оддий одамларни ҳам дардини тинглайдиган инсонлар борлигига ишонамиз.

Бизлар Оқдарё районига қарашли «Москва» колхозидаги бош план асосида қурилган замонавий кооператив уйларда яшаймиз.

Ҳурматли газетхон, ў-ҳў, зўрку буёғи, дерсиз. Йўқ, аксинча. Ўша замонавий уйлар ўта сифатсиз қурилган. Лойиҳа-смета бўйича қилиниши керак бўлган ишлар тўла бажарилмаган.

Масалан, уйларнинг ташқи томони мармар кукуни билан сувоқ қилинмаган. Ҳар бир хонадонда ошхона ва ертўла бўлиши керак эди. Лекин улар йўқ. Хоналарнинг поли ер сатҳига жуда яқинлиги туфайли тахта поллар чирий бошлади. Водопровод, канализация ўтказилмаган. Ободонлаштириш ишлари ҳам ўлда-жўлда. Ҳаттоки лойиҳада кўзда тутилган молхона ҳам қурилмаган. Уйларнинг эшик ва ромлари сифатсизлиги шу даражадаки, улар очилса ёпилмайди, ёпилса очилмайди. Очиғини айтганда, камчиликларни айтиб адоғига етиш қийин.

Бизлар бундай нуқсонларни район ва область ижроия комитетларига айтавериб бирор натижа чиқара олмадик. Уйларнинг нархи 18 минг сўм, яъни осмон баравар қилиб белгиланганлиги дард устига чипқон бўлди. Ойига 70—80 сўм маош оладиган колхозчига бундай сирти ялтироқ ичи қалтироқ уйлар ҳечам тўғри келмас экан.

Хуллас, одамларни чалғитиб, қилинмаган ишларни қилинди, деб камбағални нонини туя қиладиган баъзи алдамчи қурувчиларни танобини тортиб қўядиган мард топилармикан?» деб «ҳашаматли» янги уйларда истиқомат қилувчилар номидан:

Х. ДОНАЕВ, Ш. ЮНУСОВ, Ў. БАҲРОМОВ,
яна олти нмзо.
Самарқанд области.

Эллиққалъа ноҳия марказ Бўстон шаҳри йилдан йилга ободонлашиб боряпти. Шаҳар меҳнаткашлари яқинда яна бир маданият масканига эга бўлишди. Э. Қозоқов олган ушбу суратда 750 ўринли янги «Жайҳун» кинотеатрини кўриб турибсиз.

КИМНИ ЧАЛҒИТЯПСИЗ?

1986 йилнинг бошларида Тошкент шаҳридаги «Марказ—27» массиви аҳолиси редакциямизга мактуб йўллаб 102-мактаб ва 243-болалар боғчаси ўртасида пайдо бўлган тепалик аҳолига жуда ноқулайлик туғдираётганини ёзишганди. Шунингдек, хатда тепалик атрофи ва суғориш тармоқлари ахлатга тўлиб кетганлиги, йўл ва йўлкалар ўйдим-чуқурга айланганлиги айтилган эди.

Редакция ушбу хатни Тошкент шаҳар ижроия комитети ободончилик бош бошқармасига юборди, ўша йили январь ойида расмий жавоб олганди. Унда жумладан қуйидаги фикрлар баён этилган:

Бир жавоб изидан

«Марказ—27» массиви аҳолисининг аризаси ободонлаштириш ходимлари томонидан аризачилар иштирокида текширилди ва келтирилган фактлар тасдиқланди. Фикр алмашув чоғида қуйидагича келишувга эришилди:

— 1986 йил 1 мартга қадар мактаб ва боғча ўртасидаги тепалик йўқотилади.

— Октябрь район ободончилик бошқармаси аҳоли билан биргаликда майда суғориш тармоқларини тозалайдилар. Сўнгра ариқларда сув оқиши таъминланади.

— Ер ости инженерлик коммуникациялари ўрнатиб бўлингач, апрелгача йўл ва йўлкалар ремонт қилинади.

— 1 майга қадар чиқиндилардан тозаланган майдон ўрнида спорт майдончаси қурилади.

— Ҳозир ертўлалардаги сувлар насослар ёрдамида тортиб олинмоқда. 1986 йил биринчи кварталида бу жойларда чивин ва бошқа ҳашаротларга қарши дори сепилади.

— Яна шуни маълум қиламизки, «Марказ—27» массивидан чиқиндилар мунтазам олиб кетиб турилибди. Бу ҳақда 49-уй-жойдан фойдаланиш идорасининг ёзма тасдиқномаси бор.

Яқинда редакциямиз «Марказ—27» массивининг 24-блокида яшовчилардан яна хат олди. Унда гап ўша 1986 йилдаги масалалар хусусида боради:

Ҳурматли редакция, бундан тўрт йўл олдин ёзган хатимиз асосида ободончилик бошқармаси ходимлари массивимизга келиб кетишгани рост. Аммо уларнинг ташрифидан кейин ҳам бирон бир ўзгариш бўлмади. Мактаб, боғча ва хонадонлар ўртасида пайдо бўлган дўнглик қандай бўлса шундайлигича турибди. Атрофда сочилиб ётган ахлат уюмлари бир неча кун олиб кетилмаганлиги оқибатида қўланса ҳид таралмоқда. Тобора кўпайиб кетаётган чивин, пашшадан уйларимизда ўтиролмай қолдик.

РЕДАКЦИЯДАН: кўриниб турибдики, ободончилик бош бошқармаси редакция ва аҳолини чалғитиб, одамларнинг ҳақли талабига юзаки жавоб бериб қўя қолган. Биз бошқарма ходимларига шундай демоқчимиз:

— Ҳозир қайта қуриш, ошкоралик замони. Қуруқ ваъда билан кишиларни чалғитиб бўлмайди. Сиз ҳам ишингизда ўзгариш ясаб, газетамиз ва «Марказ—27» массиви аҳолисига ёруғ юз билан жавоб йўллайсиз, деган умиддамиз.

Санъатимиз жонкуярлари

ОЛИС ЙИЛЛАР САДОСИ

ИНСОН ҳаёти ўзининг шоён лаҳзаларида моддий ва маънавий мулк сифатида шаклланиб, авлодлардан авлодларга мерос ўтаверади. Моддий мулк тарихий обидалар, осори атиқалар, халқ амалий санъати тимсолида қалбга ва руҳга таъсир қилиб яшайверади. Маънавий мулк эса ҳар авлод қалбида унинг ўз бойлигига айланади.

Қўшиқ ҳам маънавий мулк. У инсон тарихининг оҳанглар воситасида битилган ёзуви. Шунинг учун ҳам ҳар бир қўшиқнинг мусиқа жилоларида, ижрочи ҳофиз овозидаги нола ва товланишларда давр руҳи бетакрор акс этади. Шунданми, дейлик, халқимизнинг ардоқли ҳофизларидан бири Маъмуржон Узоқов ашулаларини эшитсангиз, унинг янгроқ овозида урушдан кейинги йилларда халқимиз кўрсатган шижоат ва ялпи кўтаринкилик акс этгандек туюлади. Шунинг баробарида бу ўктам овоз товланишларидаги нолалар даврнинг сўз билан айтиб бўлмас ғуссаларини ҳам ифода этаётгандек таассурот қолдиради.

Дарҳақиқат, қўшиқларда халқ руҳи мужассам. Ўз даврининг, элининг кукаги, овози бўлган машҳур ҳофизлар ижро этган ашулаларни тинглаб кўринг-а? Бутун тарих кўз ўнгингизда жонланиб, кинолентадек бир-бир хаёлингиздан ўта бошлайди. Қани, энди бунинг имкони бўлса? Бир хонанда дўстим билан шу ҳақда гаплашганимда у шундай деб қолди:

— Зокиржон Султоновни билсангиз керак. Ҳа, ҳушовоз хонанда. Лекин у кишининг бошқа бир ажойиб фазилатлари бор. Уйига борсангиз, асримиздан бурун ижро этилган қўшиқлардан тортиб, бугунги кунда куйланаётган ашулаларгача ҳамма-ҳаммасини эшитиш бахтига муяссар бўласиз. Биз хонандалар машҳур ҳофизларнинг ижро услубини ўрганиш учун у киши ҳузурига тез-тез бориб турамиз. Аммо... биласизми, Зокиржон ака олтинга тошилмас хазина тўплаганлар-у шароитлари яхши эмас-да...

Зокиржон Султонов хазинаси ҳақида илгарилари ҳам эшитган эдим. Хонадонида бўлганимда, дўстим нимани назарда тутганини англаб етдим. Зокиржон ака турмуш ўртоқлари Мэлсхон опа билан Чилонзор мавзесидаги икки хонали хонадонда яшашар экан.

Хоналардан бирига киришингиз билан қават-қават терилган пластинкалару овоз ёзилган ленталарга нигоҳингиз тушади. Хонанинг бутун бир томонини қўшиқ ёзиб олувчи студия магнитофони эгаллаган. Усмон Юсупов совға қилган тарихий патефон ҳам шу ерда. Жавонлар, шкафлар, каравот остига жойланган жомадонлару хонага туташ равон тахмонлари пластинка билан тўлиб кетган. Улар сони ҳозирда 25 мингга яқин. Дастлаб бу сизни у қадар ҳайратга солмайди. Ҳар ким ҳам ҳаётда нимагадир қаттиқ кўнгил қўйиб яшайди. Мисол учун, сиз адабиётни севасиз. Сизнинг шахсий кутубхонангизда ҳам 5 минг, бошқа бировингизда ўн минг китоб бор. Демак, сиз ана шундай фидойи санъаткор, умуман, санъат ошиғи хонадонида ўтирибсиз. Бунинг устига уй соҳибининг оддий ва камтарона муомаласи ҳам бу ерда ҳеч қандай ғайритабиийлик йўқ, бу ҳам бир кўнгил ишида, деган фикрни уқтираётгандек.

Лекин хазина эшиклари очилгани сари ноёб мўъжиза билан юзма-юз турганлигингизни ҳис эта бошлайсиз, бутун бир тарих қўшиқ тимсолида шуурингиз ва руҳиятингизга таъсир этиб лолу асир қилиб қўяди.

«Муножот», «Байти Шероз», «Ажами Маҳкамбой». «Дилхирож», «Зайнул араб». «Қора сочим», «Оқ йўлим». «Тошга райҳон эксам»... Инқилобгача чиқарилган пластинкалардаги бу қўшиқларни Тўйчи Хофиз, Мулла Шожалил, Мулла Шобарот. Юнус Ражабийнинг устози Набиҳўжа, Ҳамроқул қори, Маҳрамбой, Адолатхон. Мазадахон, Хосиятхон, Нетайхон, Мулла Ислом Мирзоҳидов каби халқ ҳофизлари ижро этишган.

Улардан бирини қўлга оламан. Фаришта тимсолидаги бола тасвири туширилган бу пластинка камида юз йиллик тарихга эга. Зокиржон ака эса ҳаяжон билан республикамизда пластинка пайдо бўлиши тарихи ҳақида сўзлайди:

— Граммофон пластинкаларини Тошкентга Варшава ва Ригадан биринчи бор Илҳомжон Иноғомов келтирган. У кишини кўпчилик Илҳомжон самоварчи деб атаган. Илҳомжон аканинг ўз ансамбли ҳам бўлиб, укаси Одилжон дуторда, кичик укаси Илёсжон чангда, ўзи камонда машқ қилган. Шобарот деган киши танбур чалган, Тўйчи Ҳофиз қўшиқ айтган.

Илҳомжон Иноғомов Варшавадан уста чақириб, Тўйчи Ҳофиз, Ҳамроқул қори, Шоабдуазиз, Садирхон ҳофиз, Нетайхон, Хосиятхон ва бошқа бир талай машҳур санъаткорлар овозини ёздириб, пластинка тайёрлатган.

Шуларни айта туриб, Зокиржон ака пластинкалардан бирини кўрсатди. Унга Илҳомжон Иноғомов сурати туширилган экан. Яна бир пластинканинг олд томонига «Талқини ушшоқ авж» ижроси битилган. Орқа томонида эса ҳофиз сурати теграсига қуйидагича ёзилган: «Бухоро амири Олий Ҳазратлари артисти Леви Бобохонов».

Хазинабон шу аснода яна бир пластинкани патефонга қўйиб, «Қани, топинг-чи, ким куйлаяпти?» деди маъноли боқиб. Хона узра майин, тиниқ ва қочиримли овоз жаранглади.

— Тамарахоним!, — дедим санъатдан у қадар йироқ эмаслигимни билдириб қўйиш иштиёқида. — Ҳалима Носирова... Гавҳар Раҳимовамикин?...

— Йўқ, уларнинг алоҳида пластинкалари бор, — жилмайди Зокиржон ака. — Лутфихон ая куйлаяптилар. «Олмача»!

Дарвоқе, санъатимиз онахони, Лутфихон ая Саримсоқовани кўпчилик кинофильмлар орқали танийди. Шунингдек, «Мукаррама Турғунбоева ким?» десангиз, жумҳуриятимизнинг хилват қишлоқларида яшовчилар ҳам «Рақсимиз маликаси!» дея жавоб берадилар. Саҳна маликасининг «Пахта», «Қўнгил» каби жозибали қўшиқлари ёзилган пластинкалар борлигини эса камдан-кам одамлар билишади.

Ана шундай ноёб хазина Домла Ҳалим Ибодов, Ҳожи тамтам, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов, Юнус Ражабий, Комилжон Отаниёзов, Тамарахоним, Ҳалима Носирова ва бошқа санъат усталарининг бетакрор овозлари муҳрланган пластинкалар ва ленталардан иборат. Улар орасидан, шунингдек Шашмақом, Тошкент, Фарғона мақом йўллари, халқ куй ва қўшиқлари ўрин олган.

Сиртдан қараганда, узоқ йиллар давомида (олтмиш баҳорни қаршилаётган Зокиржон ака умрининг асосий қисмини шу ишга бағишлаб келяпти) шунча пластинка йиғиш унчалик қийин эмасдек. Ҳа, фақат сиртдан қараганда. Аслида эса...

ЭСКИ ШАҲАР кўчаларидан бирида кетаётган Зокиржон ака хилватроқ жойдаги ахлат уюми остидан хиёл кўриниб турган қорамтир нарсани пайқаб қолди. Қўринишидан пластинкага ўхшаб кетарди. У адашмаган эди. Лойга беланиб ётган пластинкани тупроқ остидан авайлаб ажратиб олиб уйига келтирди. Ювиб-тозалади. Не кўз билан кўрсинки, Шерози Ёқубовнинг Файзулла Хўжаев ҳақидаги «Гул уфори» қўшиғи!

Зокиржон ака қалтис ишга қўл урганди. У пайтлари «халқ душмани» сифатида қатағон қилинган кишилар ҳақида гапириш у ёқда турсин, номларини тилга олишнинг ўзи кўз кўриб қулоқ эшитмаган кўргуликларга дучор қилиши тайин эди. Аммо санъатга муҳаббат Зокиржон акани ўзига хос жасоратга чорлади. Пластинкани кўздан йироқроқ жойга беркитиб, келажак авлодлар учун асрашга аҳд қилди. Бугина эмас. Сирли хазина кейинроқ А. Икромов ҳақида қўшиқ ёзилган пластинка билан ҳам бойиди...

Ҳақиқий қўшиқ қай тилда ижро этилмасин, барчага бирдек манзур бўлаверади. Қўшиқ миллат танламайди. Қўшиқнинг фидойи мухлиси ҳам. Зокиржон ака хазинасини кўриб, Москвадан — филофонистлар жамиятидан келган меҳмонлар ҳам тонг қолишди. Бунга боис Р. Римский Корсаковнинг «Садко» операсидан «Ғаройиб шаҳар» қўшиғи ёзилган, 1877 йилда чиқарилган пластинка эди. Москваликларнинг бу ҳайрати Зокиржон Султонов номини бутун иттифоққа таратди. «Ўзбектелефильм» киностудиясида суратга олинган «Бир умр давомида» ҳужжатли фильми Марказий телевидение кўрсатувлари орқали намойиш этилгач, хазинабон мухлислари янада кўпайди.

Лекин шундай бир шароитда ноёб хазина тақдири ноқулай аҳволда эканлиги, минг-минглаб пластинкаларни асраш учун уй шароити торлик қилиб қолгани ташвиш уйғотади. Ана шу ҳақда аввалларги ҳам журналистлар куюниб ёзишган эдилар. Ҳатто улардан бири бу хазина ҳаваскорлар, музика мактаблари талабалари, консерватория ёшларига жуда зарур эканлигини қайд этиб, «Қўшиқ», «Мусиқа» ё бўлмаса «Филофонист» деб аталувчи музей ташкил этиш ва махсус бўлим очишни ўртага ташлаган эди.

Турғунлик йилларида бундай хайрли ниятлар битилган қоғозларнинг қанчаканчаси тўралик аппарати тортмаларида бенажот сарғайиб ётаверганини инобатга олсак, ушбу таклиф тақдири ҳам ҳеч кимни ҳайратга солмаслиги аниқ.

Аммо эндиликда барча соҳаларда янгиланишлар рўй бераётир. Маданий-маънавий меросимизга эътибор амалий ишларда намоён бўлмоқда. Ўйлаймизки, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги ва Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетидаги мутасадди ўртоқлар ҳам давр талабларига мувофиқ иш тутиб, Зокиржон Султонов тўплаган ноёб хазина кенг халқ оммаси мулкига айланиши чораларини кўрадилар.

Саъдулла ҲАКИМ.



Суратларда: З. Султонов ва унинг хазинасидаги граммпластинкалар.

СПОРТ

Кучлилар сараланмоқда

Футбол бўйича жаҳон чемпионати қизғин давом этмоқда. Ҳар бир учрашув муросасиз баҳсга айланмоқда. Айниқса, чемпионатнинг иккинчи босқич ўйинлари ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда. Командалар ютқазиб, ўйиндан чиқиб қолмасликка, кучлилар даврасида қолишга ҳаракат қилишмоқда. Лекин думалоқ тўп атрофидаги воқеаларни кутилмаганда ўзгариши табиий. Уч марта жаҳон чемпиони бўлган Бразилия футболчиларини Аргентина командасидан енгилиши ана шундай воқеалардан бири бўлди. Дарвозага биргина тўп киритиш билан зафар қучган чемпионлар чорак финалга йўлланма олишди.

Камерун командаси футболчилари ҳам шиддатли курашни давом эттирмоқдалар. Нимчорак учрашувини Колумбия футболчилари билан ўтказган камерунликлар муваффақият қозонишди. Улар дарвозага иккита тўп киритиб, битта жавоб тўпи ўтказиб юбордилар. Шундай қилиб, камерунликлар ҳам чорак финалда ўйнайдиган бўлишди. ЧСФР футболчилари ҳам бўш келишмаяпти. Бу команда Коста-Рика футболчиларини 4:1 ҳисобида мағлубиятга учратиб, чорак финалда ГФР командаси билан учрашадиган бўлди. Ғарбий Германия футболчилари Голландия командасини 2:1 ҳисобида ютишди. Бугун яна иккита учрашув ўтказилади. Англия — Бельгия ва Испания — Югославия командалари учрашувидан кейин барча чорак финалчилар аниқланади.

Чемпионлар даврасида

Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида ўзига хос тантана бўлиб ўтди. Бу ерда ўтказилган спорт кечаси кўпчиликка маъқул келди. Талабалар даврасига жумҳуриятимизнинг таниқли спортчилари ташриф буюришди. Чунончи, самбо бўйича икки бор жаҳон чемпиони, СССРда хизмат кўрсатган спорт мастери Сайфиддин Ходиев, миллий кураш бўйича Қозоғистон ва Ўрта Осиё чемпиони Аъзамжон Шокиржонов, «Пахтакор» командасининг тренери Асқар Толибжонов, жумҳурият Давлат спорт комитети бўлим мудири Ахбор Имомхўжаев ёшлар билан учрашувга келишди. Спортчи ва спорт мутахассислари ўз таассуротларини йиғилганлар билан баҳам кўришди. Савол-жавоб кечасига айланган бу йиғинда кўпчилик ўзи қизиққан нарсалар ҳақида маълумот олди. Физкультура ва спорт ишларини ҳар томонлама ривожлантиришга аҳамият берилаётган бу институтда ўқиш ва спорт ишларида катта муваффақиятларга эришган бир гуруҳ ёшлар ойлик стипендия билан рағбатлантирилди. Бундай қизиқарли учрашувларни анъанага айлантириш мўлжалланмоқда.

М. ТОШПЎЛАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик давлат кооператив қўмитаси

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ТЕХНИКУМИ

1990—1991 ўқув йилига

КУНДУЗГИ ВА СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА: агрономия, ўсимликларни ҳимоя қилиш, ер тузиш мутахассисликлари бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Техникумда ўқиш муддати 2 йилу 10 ой.

Агрономия бўлимини битирганлар: колхоз ва совхозларда дала агрономи, ўрта бўғин раҳбарлари (бригада бошлиқлари), уруғчилик ва селекция агрономи бўлиб ишлашлари мумкин.

Ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимини битирганлар: агроном-энтомолог, ўсимликларнинг карантин соҳаси бўйича агроном, қишлоқ хўжалик экинларининг касалликларига — зараркунандаларига қарши курашувчи мутахассис бўлиб ишлашлари мумкин.

Ер тузиш бўлимини битирганлар: колхоз-совхоз ва лойиҳа институтларида ер тузувчи-техник, техник-топограф, саноат ва уй-жой қурилишида техник-геодезист, ирригатор бўлиб ишлашлари мумкин.

Кундузги бўлимларга кирувчилар танланган мутахассисликларига ариза билан қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: маълумоти ҳақида ҳужжат (аслнусхаси), медицина справкаси 086/У форма, қўртта фотосурат 3х4 см, паспорт ва ҳарбий билет шахсан кўрсатилади.

Сиртқи бўлимларга кирувчилар қўшимча: меҳнат дафтарчасидан тасдиқланган кўчирма, йўлланма (иш жойидан).

КУНДУЗГИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР 31 ИЮНГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 15 ИЮЛДАН 25 АВГУСТГАЧА.

СИРТҚИ БЎЛИМЛАРГА АРИЗАЛАР 3 ОКТЯБРДАН 30 НОЯБРГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ 1 НОЯБРДАН 15 ДЕКАБРГАЧА.

Агрономия ва ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлимларига кирувчилар ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТДАН ЁКИ РУС ТИЛИДАН -ёзма (диктант), **ХИМИЯДАН** (оғзаки).

Ер тузиш бўлимига кирувчилар эса — ОНА ТИЛИ ВА АДАБИЁТДАН ЁКИ РУС ТИЛИДАН ЁЗМА (диктант), **МАТЕМАТИКАДАН** (оғзаки), **имтиҳон топширадилар.**

Техникумни тамомлаганлар танланган асосий касбдан ташқари қўшимча тракторчи, пахта териш машинаси ҳайдовчиси ҳунарларини эгаллайди.

Мурожаат учун манзилгоҳ: 702033, Тошкент вилояти, Калинин ноҳияси, «Назарбек» қишлоқ Совети. («Пахтакор» метро станциясидан «Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми» бекатигача 53-автобусда, «Самарқанд» автостанциясидан «Тошкент қишлоқ хўжалик техникуми» бекатигача 182-автобусда борилади).

ЎЗ ВАҚТИДА ТУЗИЛГАН БОЛАЛАРНИ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИ ТУФАЙЛИ

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ БАЛОҒАТГА ТЎЛАДИГАН КУНИГА АНЧАГИНА МАБЛАҒ ЖАМҒАРИБ ҚЎЙИШИНГИЗ МУМКИН.

Боланинг ёши 15 ёшу 6 ойдан ошмаган бўлиши керак (бола бир яшарлигида шартнома тузиш фойдалироқ).

Суғурта пули 300 сўмдан кам бўлиши мумкин эмас.

Шуни назарда тутиш зарурки, боланинг саломатлигига турғун равишда қаттиқ зиён-заҳмат етган ҳолларда (суғурта қоидаларида кўзда тутилганидек) унинг ота-онасига суғурта пули тўлалигича ёки унинг тегишли қисми тўланади.

Болаларни суғурта қилдириш шартномасининг фақатгина ота-оналар эмас, балки бобо ва бувилар, аммаҳола, амаки-тоға ва бошқа қариндошлари, шунингдек, фарзандликка олувчилар ҳам тузишлари мумкин.

Бу турдаги суғурта шартлари билан батафсил танишиш учун жумҳуриятимиздаги исталган давлат суғурта инспекциясига мурожаат қилиш мумкин.

ҲАЁТНИ АРАЛАШ СУҒУРТА ҚИЛДИРИШ ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА ТЎЛАНГАН АРЗИМАСГИНА

ОЙЛИК БАДАЛЛАР

ЙИРИК МАБЛАҒ БЎЛИБ ҚАЙТАДИ!

Ҳаётни аралаш суғурта қилдириш шартномаси— бу: **биринчидан**, сезилмаган ҳолда салмоқли маблағ тўплаш имконияти бўлса;

иккинчидан, суғурта ҳодисаси юз берган ҳолларда пул ёрдами олиш имконияти демакдир.

Бундай шартномаларни «Б» ва «В» тарифлари бўйича тузиш мумкин бўлиб, бу тарифларга асосан — жароҳатланган ҳолда икки ёки уч баравар ҳажмда суғурта пули тўланиши кўзда тутилади.

Энг кам суғурта пули — 300 сўм.

Ойлик суғурта бадали суғурта пули, суғурта муҳлати ва суғурта қилдирувчининг ёшига боғлиқ бўлади.

Жумҳурият давлат суғурта идорасининг исталган инспекциясида Сиз бундай турдаги суғурта шартлари билан тўлароқ танишишингиз мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ДАВЛАТ СУҒУРТА ИДОРАСИ.

«СОЮЗРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИ.

Театр

НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 26/VI да **Риголетто**, 27/VI да **Жизель**, 28/VI да **Чио-чио-сан.**

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Хотинлар «гап»идан чиққан ҳангома** (премьера), 28/VI да **Жар.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 26, 27/VI да **Лаҳма нуёе** (премьера), 28/VI да **Парвона.**

«ҚЎШЧИНОР»ДА БАЙРАМ

◆ Каттақўрғон шаҳри марказидаги «Қўшчинор» чойхонасида ўзига хос учрашув бўлиб ўтди.

Бу ерда ГДРнинг Лейпциг шаҳар университети катта ўқитувчиси, фалсафа фанлари доктори Георгий Герман билан каттақўрғонликлар учрашдилар. Олим «Икки немис давлатининг бирлашуви ва муаммолари» мавзуида маъруза қилди. Кўпчиликда яхши таассурот қолдирган суҳбат баҳс-мулоқотга айланиб кетди. Меҳмон кўпчиликни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарди. Самарқанд давлат дорилфунуни кафедра мудири, тарих фанлари доктори Ҳасан Бегматов эса «Ҳозирги кунда миллатлараро муносабатлар» мавзуида гапириб берди. Учрашувда шунингдек, уруш ва меҳнат ветеранлари, шаҳар «Билим» жамиятининг тарғиботчилари ҳам қатнашдилар.

А. ҲОШИМОВ.

КОСМИК МЕҲМОН

Бошқирдистон мухтор совет социалистик жумҳурияти. «Стерлитамакский» совхози марказий қўрғонида яшовчиларнинг кўпчилиги 17 май ярим тунда ғаройиб ҳодиса шоҳиди бўлишди. Чор-атрофни катта тезликда учаётган шар ёритиб юборди. Парвоз чоғида гулдираш эшитилди, ер эса титраб кетди. Бу ҳодиса шоҳидлари шар ерга қўлаганда теварак атроф қўтарилиб, тушиб кетгандек бўлди, дейишмоқда. Эрталаб марказий қўрғондан бир километр наридаги майдондан шар тушган жойда диаметри 10 метр, чуқурлиги тўрт метр бўлган кратер топилди.

Стерлитамак шаҳар фуқаролар мудофаси штаби мутахассислари кратер ва унинг атрофида радиоактивлик белгилари йўқлигини айтдилар.

СССР Фанлар академияси Урал бўлимининг Бошқирдистон илмий маркази олимлари ва СССР Фанлар академияси метеоритлар бўйича комитетининг етакчи мутахассислари экспедицияси бир неча кун мобайнида фазовий меҳмонни топиш учун қидирув ишларини олиб боришди. Оғирлиги ярим килограммгача борадиган бир неча металл бўлаги топилди.

Олимлар фикрига кўра, метеоритнинг асосий қисми ҳали олинганича йўқ. Мутахассислар метеорит оғирлиги 1 тоннадан ошади деб тахмин қилмоқдалар. Космосдан келган меҳмонга «Стерлитамак» номи берилди.

Суратларда: олимлар қўлида метеорит бўлаклари ва воқеа содир бўлган жой.

В. ВОНОГ суратлари. (ТАСС).

Муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Тошкент давлат педагогика институти ректорати, жамоат ташкилоти, табиий-география факультети жамоаси қишлоқ хўжалиги асослари кафедрасининг доценти Н. М. Расулевга акаси

Қудрат РАСУЛЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги Иҳтимоий фанлар академияси Диншуносликка ва атеизм институтининг Тошкент шаҳридаги Жумҳуриятлараро филиали жамоаси директор ўринбосари, фалсафа фанлари доктори, профессор

Иршад Агарзаевич МАКАТОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» («Советский Узбекистан») Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19, пропаганда — 32-55-70, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09, қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70, совет қурилиши — 33-12-16, 32-57-20, 32-54-18, фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21, адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16, ахборот ва спорт — 33-14-24, 32-55-17, халқаро ҳаёт — 32-54-14, хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16 32-53-20, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06, коммунистик ахлоқ — 32-54-29, фельетонлар — 32-54-27, иллюстрация — 32-57-22.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

Газета офсет усулида, А—2 форматида босилади.

Р. — 10106. № 144. ИНДЕКС 64583. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12